

Мана шу гўзал, шукуҳли ва тароватли айёмда одамнинг юраги юмшаб, гина ва аразлар унутиладиган шу лаҳзаларда мен барча юртдошларимизга қарата даъват қилмоқчиман:

Азизларим, биродарларим, бу ҳанимат дунёда бир-биримизга меҳр-оқибатли бўлайлик, бир-биримизни асраб-авайлаб, қадрлаб яшайлик.

Президент Ислон КАРИМОВнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзидан.

ХОСИЯТЛИ, ҚУТ-БАРАКАЛИ БАЙРАМ



буржиги кириши да-қиқаларидан ҳисоб-ланган. Ой ҳаракати-га қараб ҳисоб-олинган йил ҳисо-би эса, қамарий деб номланган ва рамазон, қурбон ҳайитлари ана шу йил ҳисобидида юритилганидан, турли фаслларга тўғри келадиган бўлган.

Наврўз шунча-ки кеча-кундуз тенглашган, янги йилнинг биринчи кунини бўлганидан эмас, одамларнинг орзу-ти-лаклари, ният ва режалари муҳассамлашганидан, бўлажак ҳосилга замин ҳозирланиб, уруғ сочмоқ учун далага қўш чиққан кун бўлганидан ҳамма бу кунни интизорлик билан кутган ва шодийоналик билан байрам қилганлар.

Марказий Осиё халқлари Наврўзни азал-азалдан энг буюк байрам сифатида нишонлаб келишади.

Наврўз - янги кун демакдир. Бу ерда савол туғилади. Нима сабабдан гуллар очилган, лолалар қулоч урган апрел ёки май ойи эмас, 21 март йил боши - янги йилнинг биринчи кунини деб қабул қилинган? Демак, бундан 3-3,5 минг йил олдин яшаган авлодларимиз билимдон ва ақл фаросатли бўлишган. Йўқса, кун билан туннинг тенглашиши, қуёшнинг ҳамал буржига кириши, ер остидан иссиқ ҳовур кўтарилиб, табиатда уйғониш, янгилаиш бошланиши, булоқ ва сойлар, қўл ва дарёлар сувининг таъми, оқими ва ранги ўзгаришини бунчалик синчковлик билан ажратиб, ҳисоб-китобни қуёш милага тўғри-лашни билишмасди. Айнан шу кунни кеча билан кундуз 12 соатдан бўлиб, кундуз бир тўғрай қадами ҳисобидида узая бошлайди. Бошқача қилиб айтганда, йил ҳисоби деб аталган ва Наврўзнинг бошланиши ҳар йили айнан бир вақтда, яъни қуёш ҳамал

Қолаверса, байрам баҳонасида рутубатли қиш кунларидаги қийинчиликлар, ғам-ташвишлар унутилган, одамлар дийдорлашиб, бир-бирини баҳорнинг илк чечаклари билан табриклашиб, яхши орзу-ти-лаклар тилашишган, борларини дастурхонга қўйиб, баҳам қўришган. Фаровонлик рамзи сифатида байрам дастурхонига буғдой, арпа, нухат, ловия, жўхори, мош солиб пиширилган гўжа тортилган, сумалак ва ҳалим эса байрам дастурхонининг кўрки сифатида эъзозланган. Аслида бундай таомларга ҳурмат ва эҳтиромнинг бошқа сабаби бор. Илк баҳорда силласи қуриган, илгидан мадор кетган, дармонсиз бўлиб қолган, қонда ҳаёт учун зарур моддалар етишмаётган кишиларга бу таомлар жон озиғи бўлиб, куч-қувват, яхши кайфият бағишлаган. Наврўз Сумалак ва Ҳалимсиз бўлмайди. Тўғри, дастурхонга турли пишириқ ва

ширинликлар ҳам тортилади. Лекин Сумалак билан Ҳалимининг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди.

Бекорга "Наврўзгача омон қолса, яна яшаб кетади", - дейилмаган. Шунинг учун ҳам қиш машаққатларидан бир амаллаб чиқиб олган сурункали дарди бор хасталар Наврўз неъматидан баҳраманд бўлишиб, дардларига шифо топганлар.

Инсоннинг уйғониш даври халқ оғзаки ижодида ҳам, муштор адабиётимизда ҳам Наврўзга тенглаштирилади. Наврўз ва ёшлик эгизак тушунчалари сифатида қўлланилади.

"Жуда қадим замонлардан бери нишон-ланиб келаётган Наврўз байрами моҳиятига кўра табиат билан баҳорнинг никоҳ тўйидир. Наврўзда ўтказиладиган сон-саноксиз маросимларнинг асосий мақсади ҳосилдорлик ва серпуштлиққа қаратилган", - деб ёзган эди таниқли фольклоршунос олим Аскар Мусақулов.

Байрамлар арафасида шахару қишлоқлар кўчалари ободонлаштирилиб, кўркам бинолар, янги-янги иншоотлар қурилиши доимий анъанага айланиб қолди. Бу йилги Наврўз арафасида Амударё дарёси орқали мамлакатимиз маркази, шимоли ва ғарбини туташтирувчи темир йўл кўпригининг қурилиб, фойдаланишга топширилиши ҳам халқимизга жуда катта байрам тўхфаси бўлди. Ушбу темир йўл кўпригининг очилиш маросимида Республикаимиз Президенти Ислон Каримов шахсан иштирок этиб, кўприк лойиҳаси ва қурилишида иштирок этганларнинг ишларига юқори баҳо берди. Замонавий қулайликларга эга бўлган Тошкент билан Самарқандни боғловчи "Регистон" номли янги поезд ишга тушди. Юртимиз жамолга чирой қўшаётган Наврўзи олам - ёшариш, янгилаиш, чин маънода бунёдкорлик байрамига ҳам айланиб кетди.

Иброҳим ТУРСУНОВ
Тошкент Давлат Аграр университети ўқитувчиси

БАҲОР МУБОРАК!

Бойчечак уйғонар қиш кўрпасида,
Камалак тўлғонар тонг шарпасида,
Бир илинж-чўғ ёнар дил пардасида,
Кўклам қизларига дийдор муборак,
Гиёҳ-майсаларга баҳор муборак!

Ўрик гулларида келинчак либос,
Қизғалдоқ қимтинар-лаблари гилос,
Бўтакўз бўй чўзар-кўзлари чарос,
Соғинч қарашларга гулзор муборак,
Ул чилвир сочларга баҳор муборак!

Қиқирлаб югурар қирлар басма-бас,
Бахшилар ўлани жирлар басма-бас,
Шукрона айтади ҳар жон ҳар нафас,
Шу азиз тупроққа ул ёр муборак,
Ул чашми қароққа баҳор муборак!

Шаррос ёмғир ёғар-эхсони фалак,
Ташвишинг муборак ёй жони ҳалак,
Энди дошқозонда қайнар сумалак,
Гўдакка жилмайган рафтор муборак,
Юракка роз айтган баҳор муборак!

Қалдирғоч ин қурмиш кўнгил уйидан,
Йигитлар сархушдир қизлар бўйидан,
Сизга бу хушнома Ватан тўйидан,
Наврўзни кўмсаган икром муборак,
Юртим, боғларингга баҳор муборак!

Исматулло ЙЎЛДОШЕВ
Самарқанд



Антонина ИПЛИНА
ҚУЁШГА ЛАБ ОЧДИ
КУРТАКЛАР...

Бу мўъжиза, теваракка бок,
Нахот яна қайтиб келди қиш.
Дарахларнинг новдаси оппоқ,
Яна оппоқ қорга бурканмиш.

Далаларда анқийди асал,
Атир пурқар ҳавога бу қор.
Қуёш уфққа бош қўйган маҳал
Қизаради бирам мафтунқор.

Уйқусидан уйғонди қалқиб,
Табиатда ўзгача виқор.
Борлиғида ҳаяжон балқиб,
Кўклам келди, бошланди баҳор.

Нозиккина эғнига бодом
Қўйлак қийиб олди оч пушти -
Баҳор - қайноқ қалбли гулданом,
Энди қувиб юборди қишни.

Қуёшга лаб очди куртаклар,
Дарахлар қўл чўзди кўкка ҳур.
Эриган муз каби қўлмақлар,
Сувга тушиб ярқирайди нур.

Эғни яланг дарахлар улкан
Бошларини чайқар интизор -
Келаётган кўклам сепида
Яшил рангли асл қўйлак бор.

Кўклам ўтиб кетар вақт этиб,
Ўтар қийғоч гуллаган наҳор.
Новдадаги қушдек пирр этиб,
Бирдан учиб кетади баҳор.

Бироқ меҳр-муҳаббат нурин
Умид билан соғайдир фалак.
Ёз меваси сингари ширин
Таъм олғайдир қирмизи юрак.

Рустам МУСУРМОН
таржимаси

ЎЗ ҚИШЛОҒИДА БАХТИНИ ТОПГАН

Самарқанд вилоятининг Тайлоқ тумани, Сочак қишлоғида Ўлмасхон Маматқуловани ҳамма ҳурмат қилади. У 34 йилдан бери ҳар бир хонадонда туғилиб катта бўлаётган фарзандларни чақалоқлигиданок билади. Опа билан учрашиб, суҳбатлашдим.

- 17 ёшимда уйимизга совчилар келаверган, ота-онам Ахроров Ҳамро исмли йигитга турмушга узатишди, - дея ўз сўзини бошлади у. Турмуш ўртоғим ҳам СамДУ талабаси эди. Раҳматлик қайнона-қайнотам биз икки талабани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб ўқитишди. Бирин-кетин туғилган фарзандларимизни тарбиялашга ёрдам беришди. Турмуш ўртоғим билан тўрт фарзандни тарбиялаб элга қўшдик. Ҳозирги кунда 8 набирам бор. Фақат бевақт ўлим турмуш ўртоғимни орамиздан олиб кетди.

Қишлоқ хотин-қизлар кўмитасида ҳам фаолият кўрсатдим. Оилалар



тинчилигини сақлаш, қайнона-келиндар муносабатини яхшилаш, қизлар, болалар, ўсмирлар тарбияси каби масалаларда ҳам жонбозлик кўрсатдим. Қишлоғимизда хотин-қизлар университети-ни ташкил қилиб ўзим раҳбарлик қил-

дим. Хотин-қизлар фаолияти бўйича шогирдларим Эшонқулова Рафоат, Сафарова Дилбар, Салоҳитдинова Робия, Ҳамроқулова Дилнора ҳам барча ишларда бошу қош. Қишлоқда ҳамма бир-бирини яхши танийди. Ким қийналган, ким ёлғиз ёки кимнинг бошига мусибат тушган - барчасини дарров билиб олса бўлади. Қишлоқдошлар ҳашар, моддий ёрдам ва бошқа йўллар билан бир-бирларини суяшади. Шунинг учун бизда ҳеч ким қаровсиз қолмайди. Ҳокимимиз - Жамшид Ашуров ҳам ҳар бир режамизни қўллаб-қувватлайди.

Ҳамма ёшларни рўйхат асосида тиббий кўрикдан ўтказишни режалаштирганмиз. Юқори синф ўқувчилари билан суҳбатлар ўтказиб тураимиз. Меҳр-мурувват йилида: "Ҳеч ким меҳрсиз қолмайди", режасига асосан ишламоқдамиз. Мақсадимиз ҳеч бир инсон ўзини камситилган ёки қийналган ҳисоблаб озор чекмасин.

Суҳбатни Лола АҲМЕДОВА
ёзиб олди.

Болалигимда кечган бир воқеа ҳанузгача хотирамдан ўчмайди. Қўшнимиз Исоқ амаки саксонларга етгач, ўрнидан турулмасдан ётиб қолди. "Эрта узилади, бугун узилади", деб қонқариндошлари тепасига йиғилишди. Лекин Исоқ амаки жон таслим қилолмай анча қийналди-лар. Шунда яқинлари: "Бирор кишидан қарзингиз борми? Ё бировни хафа қилганмисиз? Айтинг, ўзимиз тўғрилаймиз", - дейишди. Бемор эса аранг куч тўплаб, бириккита сўз гапирди. Сўнг: "Алла айтинглар!" - деди. Нозима аяни топиб келишди. Эл-улуснинг тўй-маъракаларида яллаю лапарларни, аза қўшиқларини айтиб юргувчи бу кекса ая шундай бир аллани қўйладики, ўтирганлар сел бўлиб оқишди, гўё. Алла тугагани ҳамон беморнинг жони узилди...

- Раҳматли чақалоқлигида онадан етим қолганди, алла эшитмай ўсган эди-да, - деди марҳумнинг бир дўсти.

- Ҳа, аллани инсон бир умр соғиниб яшаркан, - деди яна бири.

Бу ғамгин воқеани биз ҳали-ҳали эслаб юрамиз. Мен эса гоҳ-гоҳида "Алланинг не сеҳри бор экан-а?" - деб ўйлаб қоламан. Шунда кичиклигимда онам айтган алла ёдимга тушади:

**Гул шохидан танлаб олган
Гунча райҳоним алла...**

Мана шу икки сўзда онамнинг менга бўлган жамики меҳри-муҳаббати мужассам бўлганини энди-энди ҳис қиламан. Ўзим ҳам фарзандларимга кўп маротаба алла айтганман. Ушанда нималарни ўйлаганман? Алла айтаётганда онанинг фикру хаёли мурғак гўдагида бўлади, унинг келажаги ҳақида ўйлайди. Бор истакларини шунинг учун ҳам алласига қўшиб айтади. Шубҳасиз, гўдакларимга

алла айтаётиб мен ҳам шундай ахволга тушганман. Демак, алла меҳрнинг, оналик туйғуларининг ифодаси бўлиб тилдан-тилга, дилдан-дилга ўтиб келаётгани ҳақиқат!

Айтишларича, қадимда оналар: "Боламга ўзинг инсоф

аёлни топиб келинлар", дебди. Лашкарлар бир онани топиб келтиришибди. Йиғидан шишиб, ҳиқиллаб ётган гўдакни ҳалиги ёш аёл қўлига олибди-ю, унга меҳр билан тикилибди, сўнг астагина хиргойи қилибди. Шундан сўнг гўдак кўзини очиб жил-

майбди, бироздан сўнг тинчгина уйкуга кетибди.

Бундан ҳайратга тушган саркарда: "Бу қўшигингизни не сеҳри бор эди-ки, ҳеч ким овутолмаган болани овутиди? У қандай қўшиқ?" - деб сўрабди. "Бу алла қўшиғи, у фақат гўдакларга айтилади", - дебди аёл.

Шунда саркарда: "Бу гўдакни ўзинг парваришла, у менга фарзанд бўлади, сенга ҳамма шарт-шароитни яратиб бераман", - деб илтимос қилибди. Аёлнинг ҳам ҳеч кими йўқ экан, рози бўлибди. саркарда ўшандан сўнг шаҳарларни босиб олиб, гўдакларнинг нобуд бўлишига асло йўл қўймайдиган бўлибди...

Истиклол йилларида жойларда "Алла" кўрик-танловлари тез-тез ўтказиб турилди. Қадимий аллалар яна тилга кўчди, ёш оналар бу аллаларни ўрганиб гўдакларига айтдилар. Бироқ, аллани унутиб қўйган, болаларини алла айтмасдан ўстираётган аёллар ҳам кўп орамизда. Назаримда, бола алла эшитиб ўсса, у юртга садоқатли, ота-онасига азизу ардоқли, жамиятга керакли киши бўлиб ўлғаяди. Шундай экан, ҳар биримиз қизу набираларимизга алла айтишни ўргатайлик, улар дастлаб бу аллаларни кўғирчоқларига айтишсин, сўнг келгусида фарзандлари бешиги ёнида ўтириб қўйлашсин. Ахир қиз бола она бўлмоқ учун дунёга келади, оналар борки аллалар ҳам боқий яшайверади. Буни унутмайлик...

Чўлпоной МЕЛИҚҶЗИЕВА

АЛЛАНИНГ НЕ СЕҲРИ БОР?

Қадриятларимиз-ўзлгимиз



бергин, Аллоҳ", "Боламни ўзинг асрагин Аллоҳ", деб нола қилганлар, шундан сўнг Аллоҳ сўзи бора-бора аллага айланиб кетган экан. Кексалар эса алла билан боғлиқ шундай бир ривоятни айтиб юрадилар: Бир қишлоққа душман бостириб кирибди. Ҳаммаёққа ўт қўйиб, қулини кўкка совиришибди. Ушанда лашкарлар харобалар орасидан тирик қолган бир чақалоқни топиб саркардага кўрсатишибди. Саркарда фарзандсиз экан, ота-онасидан, яқинларидан жудо бўлган бу бегуноқ болани ўзига фарзанд қилиб олишни ният қилибди. Лекин, гўдак чинқриб йиғлар, уни ҳеч ким овутолмас экан. Йиғлаб-йиғлаб ҳолдан тойган чақалоқ кўкариб кетгач, саркарда: "Энди бу ҳам нобуд бўлмасайди", деб ташвишга тушибди. "Қаердан бўлса-да бир

ҚУШНИНГ ҲАМ УЯСИ БУЗИЛМАСИН

Ҳуқуқий дарсхона

Тошкент шаҳрининг Миробод туманида туманлараро фуқаролик ишлари бўйича суди судяси Сайёра Шохобутдинова билан никоҳ шартномаси ҳақида суҳбатлашдик.

- Очигини айтсам, ҳар бир инсоннинг ўзига яраша яхши кунлари ҳам, оғир кунлари ҳам бўлади, ҳар хил муаммоларга дуч келади. Ана шундай ечими оғир муаммолардан бири оилалар кўрғонига дарз кетишидир. Халқимизда: "Қушнинг ҳам уяси бузилмасин"-деган мақол бор. Ажралиш мақсадида келган ёшларга тўғри йўналиш беришга, айниқса фарзандлари бўлса бу йўлдан қайтаришга ҳаракат қиламиз. Ўйлаб қўришлари учун мухлатлар берамиз. Ёшлар ярашиб кетишса, қувонамиз. Лекин "ажрашамиз", деб оёқ тираб оладиганлар ҳам бор. Ажралиш осон. Аммо ҳамма ташвиш ажралишдан кейин бошланади-да. Уй-жой, мулк бўлиш дегандек.

Ажралиш сабаблари кўп: энг аввало турмуш қураётган ёш йигит ва қизнинг оила бўлиб яшашга мутлақо ёки қисман тайёр эмаслигида. Ота-оналарнинг орзу-хавас деб, икки ёшни турмуш қуришга мажбур этиши ажралишга сабаб бўлади. Мана шундай пайтда нима учун бизнинг ёшларимиз никоҳ шартномаси тузиб оила қуришга тайёр экан, деб ўйлаб қоламан-да.

- Ажралишдан кейинги муаммолар ҳақида нима дейсиз?

- Ажралишдан кейинги мол-мулкни айирбошлаш муаммоси қийин. Эрининг уйидан чиқиб кетаётган аёлнинг боласи бўлса ота-онасиникига қайтиб борга-

нида унга яшаши учун шароит бўлмаслиги мумкин. "Чиққан қиз чигирикдан ташқари", дейишди-ку, ахир. Бундай пайт фарзандлар азоб чекади. Баъзида мол-мулкни ҳамма нарсасдан, ҳатто инсоннинг қадри-қимматидан устун қўювчилар ҳам топилади. Ана шунда никоҳ шартномаси қўл келади.

Кўпчилик ота-оналарнинг никоҳ шартномаси тузилишини гўёки ўзларига ҳақорат деб билишганига гувоҳ бўламиз. "Нима, "Ажралишсин!" деб тўй қиламизми?", - деб хафа ҳам бўлишди. Аммо, агар ёшларнинг муҳаббатчи чин бўлса синовлардан дадил ўтаверадилар.

- Никоҳ шартномасининг афзаллик томонлари ҳақида гапирсангиз...

- Никоҳ шартномаси тузиларкан, йигит ва қизнинг ўзаро оилага қўшаётган мол-мулклари кўрсатилади. Агар ажралиш юз берса, шу мол-мулкни қандай тартибда бўлиниши ҳам олдиндан келишиб олинади. Бу шартнома ажралишдан кейин пайдо бўладиган қатор муаммоларга барҳам беради. Кўпинча ер-инлар ажрашгандан сўнг еридан уй-жой талаб қилади. Уртада фарзанд бўлса бошқа гап. Лекин, баъзи вақтлари келин қайнона-қайнотадан нотўғри мулк талаб қилади. Никоҳ шартномаси ҳаётий зарур бўлиб, уни тушуниб қабул қилиш лозимдир.

- Суҳбатингиз учун раҳмат.

Л. АХМЕДОВА

БАҲОР, НАВРЎЗНИ МАДҲ ЭТИБ...

Ахборот

Юртимизнинг ҳар бир гўшасида Наврўз байрамига атаб учрашувлар ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Янгийўл шаҳридаги Академик лицейида ҳам бўлиб ўтди. Унда шоир ва ёзувчилар Ҳалима Худойбердиева, Маҳмуд Тоир, Санобар Фахриддинова, Абдураҳмон Акбар ва "Оила ва жамият" газетасининг бош муҳаррири Дилбар Саидова катнашибди.

Учрашувни туман "Янгийўл" газетасининг бош муҳаррири Аҳмаджон Рихсибоев бошқарди. Шоира Ҳалима Худойбердиева янги шеърларидан ўқиб берган бўлса, Д.Саидова эса ёшлар, замондошларимизнинг орзу-ўйлари ҳақида, бугунги кун мадбутида берилётган мақолаларнинг тарбиявий аҳамияти ҳақида гапирди. Айниқса, "Оила ва жамият" газетасида босилаётган мақолалар ҳақидаги фикрлар мулоқотга қизгин тус берди. Ўз навбатида талабалар ўз шеърӣ машқларидан ўқийиб, баҳор, Наврўзни мадҳ этувчи қўшиқлардан қуйлашди.

Ўз мухбиримиз

ҚИЗАЛОҚ

Кулгуларни бегубор,
Сўзларида асал бор.

Жажжигина овунчоқ,
Ҳар хонадонда чироқ.

Мумти юзи юмалоқ,
Қора кўзи кўзмунчоқ.

Ота-она эркаси,
Мумтигина бекаси.

Ширингина қизалоқ,
У бор ҳаёт мароқли.

У бор оналар бахтли,
У бор оналар нурли.

Мусичадай беозор,
Парвона онашзор.

Кўзларида нурлар бор,
Мумтигина қизалоқ.

Келажаги ҳур порлоқ,
Ширингина қизалоқ.

Насиба ЭШОВА

Сувратчи: Корабек

ИБРАГИМОВ

ҲАЛИ КЎП УЧРАШАМИЗ, МАКТУБ ОРҚАЛИ

"Оила ва жамият"ни севиб ўқийман, ҳатто обуна ҳам бўлганман.

Газетхон, газета ва ҳаёт ҳақида

Газетанинг "Келинг дўстлашайлик" саҳифаси орқали ўзимга бир қанча "ака" топдим. Ҳозирги кунда биз туғишган ака-сингидан ҳам яқин бўлиб кетдик. Бунинг учун сизларга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Ҳамиша эл ардоғида муштарийлар қалбида бўлиб юргин, сеvimли газетам "Оила ва жамият"!

**Ҳали кўп учрашамиз, мактуб орқали,
Мен сирларимни баён этгунча.**

**Ҳали кўп учрашамиз, мактуб орқали,
Дилдан токи, армон кетгунча.**

Назокат, Паркент тумани

ЁРДАМИНГИЗДАН УМИДВОРМАН

Мен Пайариқ тумани, Чолак шаҳар поликлиникасида ҳамшира бўлиб ишлайман.

2002 йил октябр ойидан ҳомилдорлик таътилига чиқиб 9-декабр кuni фарзандли бўлдим. Аммо 2004 йил ўтаепти ҳам, 2002 йил тўланиши лозим бўлган пулимни ололмай оворай сарсонман.

16 км. узок масофада жойлашган поликлиникага бориб, бош шифокор ва бош ҳисобчимиз

қабулига қатнашдан чарчадим. Шифохона маъмурияти мени қачонгача сарсон қилади? Баҳона - "Банкда пул йўқ." эмиш.

Арзи ҳол

Нахотки йиллаб банкка пул келмаса. Илтимос, менинг арзимни ижобий ҳал қилишда ёрдам берсаларингиз.

**Моҳира Абдулақимова
Самарқанд вилояти,
Пайариқ тумани.**

Қушодбек Усмонов



Қушодбек Усмоновнинг "Жасорат гулшани"

номили биринчи китоби нашрдан чиқди. Ижодкор китобга киритилган "Мудҳиш рақам" пьесасида ҳасад эмас ҳавас билан яшашни тарғиб этса, "Жасорат гулшани" асарида эса ўтмиш, бугунги кун ва келажак ҳақида фалсафий фикр юритади.

1969 йилнинг сентябри... Ромитан туманидаги 1-урта мактабнинг 9-синфига илгари интернатда ўқиган, гўзал бир қиз ўқишга келибди, дейишди. Жуда чиройли, одобли ҳам эмиш. Бу "янгиллик" бир зумда мактабга тарқалди. Ҳамма ўша қизни кўришга, танишишга ошиққанди. Узун, битта қилиб ўрилган сочи орқага ташланган,

мисрани ҳам бир ўйланг", - маслаҳат берди Зухра. Мен бу ишонarli маслаҳатни жон деб қабул қилдим.

Бу сингари устозу шогирдлик, ҳамкорликлар жуда кўп бўлган. Икки овсин — журналистлар ҳаётида неки муваффақиятларга эришган бўлсак оилавий яқинлиқнинг ҳам озми-кўпми ҳиссаси бор,

ҲАМКАСБИМГА, ОВСИНИМГА

Фақат сизга аталган сўзим

БАХТНИ СОҒИНАМАН

оддийгина мактаб формаси жуда ярашқили, камтарин бу қиз истеъдодли ҳам эди. Гарчи биз икки синф куйида ўқисак-да, Зухра билан ўшанда танишганимиз. Мактабда ўтадиган тадбирларни бирга тайёрлар, радио орқали эшиттиришлар берар, деворий газеталарни чиқарардик.

Ўрта мактабни тугатгач, Зухра Курбонова туман газетасига ишга, ТошДўнинг журналистика факультетига ўқишга ҳам кирди. Биринкетин унинг мақолалари босилиб чиқа бошлади. Улар ҳамон ёдимда: "Оддийгина иш куни", "Ғунча очилаёпти", "Бизнинг Фая опа", "Сиз бахтисиз...", ва ҳоказо. Уларда ёш журналист кўнгилнинг нозик ҳиссиётлари, беғуборлик, салимият шундоққина кўриниб турарди.

Кейин мен ҳам мактабни тугатиб туман радиосига ишга, сиртдан олий ўқув даргоҳига ўқишга кирдим. Зухра билан ҳамкорлигимиз, дўстлигимиз тагин куюқлашди. Кейинчалик бир оилада яшамогимиз, умр бўйи ҳамкор, ҳамфикр бўлмоғимиз ҳаёлимизга ҳам келмаган эди ўшанда.

Зухра бир неча йил туман ёшларига раҳбарлик ҳам қилди. Жуда ажойиб ишларнинг ташкилотчиси, ташаббускори бўлганди. Мен сал ўтиб муаллималар оиласига келин бўлиб тушдим. Ўшанда туман газетасида бўлим муҳаррири бўлиб ишлардим. Ҳамкасбларимизнинг янги келин уйига ташрифи оиламиздагиларни суюқтирди. Айниқса СамДУ эндигина битириб келган кайнукамга Зухрадон ёқиб қолди. Бир йил ўтар-ўтмай уларнинг ҳам тўйлари бўлиб ўтди. Тақдирим, мен сабабланим икки журналист, ижодкор бир оиланинг икки келинига айландик. Кўплар ҳавас қилди. "Овсин овсинга тош отади", дегувчилар ҳам бўлди. Очигини айтишим керак, буни ҳаёт дейдилар аразлашган, тортишган, "тош отган" кўнларимиз ҳам бўлгандир. Лекин тезда бир-биримизни кечирар, иноқлашиб кетардик. Ишдаги, уйдаги боғлиқлик, ҳамкорлик бизни янада яқинлаштирарди. Гоҳ устоз, гоҳ шогирд эдик бир-биримизга.

Бир очерким билан республикада ўтадиган танловда катнашадиган бўлдим. Кечқурун уни яна кўриб беринг, дея овсинимга бердим. Эрталаб у киши ўз кўлэзмам ва тахир қилиниб машинадан чиқарилган яна бир нусхасини тутқазди. Тахир менга жуда маъқул бўлди. Танловда ҳам ғолиб бўлганим ёдимда.

Яна бир гал бир даста янги машқларимни ўқиб беришни илтимос қилдим. "Вафо" номли бир шеъримда:

"Бу қоп-қора тос сочларим бир тук қолмай тўкилгунча", - дейилган мисра бор эди.

"Тос" сўзи луғатимизда йўқ, "тўси" сўй "тожиқчада бор, шу сўзини ўзгартиринг, кейин, ҳатто одам дунёдан ўтганда ҳам сочи бир тук қолмай тўкилмайди, шу

деб ўйлайман. Фарзандларимиз бир-бирларимизни "ойи" дея катта бўлишди. Бир-бирини суяш, аяш, тушуниш, дардлашиш керак экан аёл учун. Болаларим биланми, ёки ўзим касалхонада ётиб қолсам, энг аввало йўқлайдиган шу овсиним, тўй-маъракаларда, иморатлар курганимизда ташвишли ва қувончли кўнларимизда ҳам ёнимизда турадиган Зухрадон ва Асқар акам.

Аёл киши учун журналистика, элнинг назарида бўлмоқ масъулияти, ижодкорлик, оила, фарзандлар тарбияси оғирлик қилади. Ана шу юкни 30 йилдан ошаяпдики, ортмоқлаб келаяпмиз.

Айниқса вилоятимиз ижодий жамоатчилиги орасида Зухра Курбонованинг ўз ўрни, ўз услуби бор. У шунчаки ёзмайди. Ёки айрим ҳамкасбларимизга ўхшаб у ер, бу ердан кўчириб умргузаронлик ҳам қилмайди. Ромитан тумани халқининг яшаш тарзи, урф-одатлари, ўзига хослиги, омад ташвишларининг аксини кўраси унинг ёзганларида. Бирор бир қишлоқ, кўча, хонадон қолмаган-дир у кириб бормаган. Фақат ёзиш эмас, муаммолар ечими, дардларига малҳам бўлишга ҳам тайёр бу ижодкор.

80-йилларга туман газеталари қўлда териларди. Шу сабаб ҳам кунора 10 минг нусхада чиқади-ган газета кўнлари ярим кечасигача қолиб кетардик. Турмуш ўртоқларимиз бизни кўчада, машинада кута-кута бир ухлаб олишарди. Биз эса ҳориб-толиб уйга қайтар, болаларимизга қарар, баъзан номер учун кетадиган мақолани қоралаб ҳам келардик.

Газета-тарих. 30 йилдан ортқ вақтдан бери Ромитанда чиқаётган туман газетаси саҳифаларини варақлаганда ана шу тарихнинг бир бўлаги—журналист Зухра Курбонова қаламига мансуб лавҳа, очерк, хабар ва репортажларга кўзингиз тушади. У гоҳ куйиниб, гоҳ суюниб ёзади. Ромитанликлар фахрланади ўз ижодкор аёли билан.

Қалбидек гўзал навбахор кўнларининг бирида ҳамкасбимиз 50 ёшга тўлди. Олий маълумот олаётган 4 фарзанди, бир келин, бир невараси, Асқар акадек суюкли турмуш ўртоғи эъзозиди Зухрадон тугал бахтли аёлдир.

Унинг ҳали тили учиди турган ёзмаганлари жуда кўп. Киши умрига умр қўшилавергани сайин вақтнинг кизганар, кўпроқ ишлашга, ижодга ташнаганиб бораверар экан. Буни Зухранинг мисолида яққолроқ кўраман. У кўп ва хўп ёзаяпти.

Ҳамкасбимга, овсинимга бундан-да омадли, бахтиёр, сермахсул кўнларни соғиниб қоламан!

Махфират АТОЕВА,
Республика радиосининг
Бухоро вилояти мухбири

Инсон туғилганда ниҳоятда беғубот, покиза бўлади. Чақалоқлар тоза қалби билан бир-бирига ўхшайди. Аммо орадан йиллар ўтиб, бу чақалоқларнинг бири олим, фозил бўлса, иккинчиси ўғрию мутаҳкам бўлиб етишиши мумкин. Хўш, нега?

Айтишларича инсоннинг бир елкасида шайтон, бир елкасида Раҳмон бўларкан. Шайтон кишини разолатга, энгил яшашга чорласа, Раҳмон ҳалолликка ундаркан. Дарҳақиқат, одамзод қалбиди ана шу икки куч ҳаммиса курашиб яшайди. Инсонга болаликдан яхши тарбия берилса унинг елкасидаги Раҳмон кучайиб, шайтонни оғиз очишга қўймайди. Бизнинг шарқона тарбиямиз ҳам шу асосда қурилган.

Мен бунга ўз болалигим, ҳаётим давомида кўп бор амин бўлдим. Раҳматли болалигимнинг кўлларидан қуръон тушмас, бизни ҳаммиса тўғригўйлик, ҳалолликка ўргатардилар. Библарим эртақлар айтиб, яхши ишни савоб, ёмон ишни увол деб қулоғимизга қуярдилар. Биз увол, гуноҳдан жуда қўрқардик. Ота-онамиз ҳам ўтириб-туришимиз, овқатланishi-

лефонларини аниқладим. Ҳақиқатдан чол-кампири жуда хафа ўтиришган экан. Бир пас ўтмай раҳмат айтиб, паспорт ичидан "суюнчи" дея пул олиб узатдилар.

- Йўқ, отахон, дуойингиз пулдан азизроқ, - дедим.

Шунда Мўмин ота дуо қилиб, муҳарриримиз кабинетига кириб кетди. Ўшанда мен редакцияда бўлим бошлиғи бўлиб ишлардим. Кейин билсам муҳарриримиздан газета орқали миннатдорчилик билдиришни сўрабдилар. Мен рози бўлмадим. Ўшанда эҳтимол елкамдаги шайтон кучли бўлганда, "Пулни ол-у ҳужжатларни ахлатга ташла", деб ҳукм қилиши мумкин эди.

Аммо Раҳмон ундай ўйлашга ҳам йўл қўймади. Мен бундан хурсандман. Ҳозир ҳам отахонни кўрсам миннатдорниҳоларини ҳис этаман. Бу юрагимга қувон бағишлайди. "Бардош" деган китобимни Ғиждувондаги китоб магазинига сотишга бердим. Орадан анча вақт ўтиб сотувчи бир даста пул тутқазди.

- 50 минг, - деди у. Бу мен

Тарбия соати

Иймон бум бўлса...

миз, сўзлашимизга катта эътибор беришар, оғзимиздан ёмон сўз чиққани қўймасдилар. Эҳтимол шундандир, ҳалигача гуноҳ иш қилишдан қўрқаман. Савоб иш қилсам қувонаман.

Бобларим, ота-онам, ўқитувчиларимдан эшитган кўплаб ибратли ривоят ва ҳикоялар сира ёдимдан чиқмайди. Айниқса юртдошимиз Хожа Баҳовуддин Нақшбанд тўғрисидаги бир ривоят ҳаммиса мени тўғрилиқка ундаб турди.

Баҳовуддин мадрасада таълим олиб юрганларида устозлари барча талабаларга биттадан товук бериб: "Боринглар, ҳеч кимнинг назари тушмайдиган жойда буларни сўйиб келинглар", деб буюрарди. Орадан анча вақт ўтиб, барча талабалар товукларнинг бошини узиб, тозалаб келтиришарди. Биргина Баҳовуддин товукни тирик қайтариб келадилар.

- Сиз нега товукни сўймадингиз? - деб сўрайдилар устозлари. - Устоз, мен кўп излаб, Оллоҳ назари тушмайдиган жойни тополмадим, - дейдилар.

Демак, нима иш қилмайлик Оллоҳ назаридан қочиб қутулиб бўлмайди. У олий ҳакам, яхши ишимизни мукофотлайди, ёмон ишимиз учун муқаррар жазолайди.

Бу воқеага анча бўлди. Бир кунни йўлда кетаётган, ерда ётган паспортга қўзим тушди. Олиб, қизикиб варақладим. Ичиди ҳарбий билет, паспортнинг жилди орасида эса бир даста пул бор эди. Кимнинг паспорти экан, деб суратга қарадим. Таниш чехра эди. Иккинчи жаҳон уруши катнашчиси Мўмин Ўриннинг ҳужжатлари экан. У кишини танирдим. Роса хундо бўлаётгандилар, деб ўйладим. Суриштириб, уй те-

берган китоб пулидан икки баробардан ҳам ошди эди.

- Йўқ, мен сизга 20 минглик китоб бергандим, - дея пулнинг ортқичасини қайтардим. - Сиз бирор жойга белгилаб қўймагандингиз. Шунинг учун адашдингиз.

Сотувчи, менга эҳтиром билан қараб, ташаккур айтди. - Сизни тарбиялаган ота-онангизга раҳмат. Эҳтимол бошқа биров бўлганда пулни олиб, индамай кетган бўлармиди, - деди у.

Мен эса бу ҳақда ўйлаганим ҳам йўқ, ҳатто бир лаҳза ҳам иккинлаймай қайтарибман.

Янги ўқув йили олдиндан болаларим билан ўқув қуроллари олайлик, деб, ана Ғиждувон бозорига йўлимиз тушди. Қатор тижорат дўконларининг бирида чиройли спорт сумкаси ёқиб қолди. Турли хил сумкалар ичиди у энг чиройлиси эди. Сотувчидан шунини узатишни сўрадим. У сумкани олдимга ташлади-да, ўзи бошқа қаридорлар билан олди-сотди қила бошлади.

Сумкани очсам ичи тўла пул. Болаларим ҳайрон бўлиб, "қани ойижоним нима қилар эканлар?" дегандек бир пулларга, бир неча қарашларди. "Бу бир неча кунлик савдо пуллари бўлса керак. Бу бола отасини, онасини солиб қўйган пуллари бил-

май менга узатди, чоғи", деб ўйладим.

- Ука, бу сумкадаги савдо пуллари нима? Манг, олиб қўйинг, - дея сумкани қайтардим.

Ийгитча ханг-манг бўлиб, қотиб қолди. Тили калимага айланмади.

- Ойижон, индамай сумканинг пулини тўлаб, олиб кетсак нима бўларди-а? - деди ўғилчам.

- У пуллари бир ой ёки бир йил ёйишимиз мумкин эди. Аммо бировнинг ҳақини еганимдан бутун умр виждоним қийналарди, - дедим мен. - Шунини унутмаки, меҳнатсиз топилган пул буюрмайди.

Яқиндагина яна бир қизик воқеа бўлди. Оиламиз қадрдон, ажойиб муаллими Робия опа Шоева жиянларини турмушга узатдилар. Тўйдан сўнг менга қўярди қўймай "болаларингизга олиб боринг", - дея елим халтачини тўдириб турли пишириллардан бериб юбордилар.

Бир кун ўтиб, пиширилларни олиб, елим халтачини ташламоқчи бўлдим. Ушқоқлар орасида бир нарсаялтирагандай туюлди.

Қўлимга олиб қарасам, қизил қўзи тилла узук. Жуда қадимий, бакуват хилдан.

"Кимнинг узуги экан? Эҳтимол Робия опаникидир. Кимники бўлса ҳам ичи қуйиб ётган бўлса керак", деган фикр ўтди кўнглимдан. Дарров телефон қилиб, уларни хотиржам қилишим керак.

Болаларимга узукни кўрсатиб, синаш мақсадида улардан "энди нима қилсам экан?" деб сўрадим.

- Нима қилардингиз? Робия опага қўнғир қилиб сўранг, - дейишди улар баробар. Болаларимнинг елкаларидаги Раҳмон ўсиб, бакуват бўлаётганидан қувондим.

Қўнғир қилиб суриштирсам узук ҳақиқатан Робия опаники бўлиб, биринчи маошларидан олган эканлар. Тўй ташвишлари билан озмиб қолганлари учун ўша кун икки марта қўлларида тушибди.

Омонатни ўша заҳоти қизим қўлим бордим.

Бу воқеаларни болаларимга ибрат бўлсин учун қозғога туширгандим. Айтганларим ва ёзганларимни ўқиб, уларнинг кўнглиларидаги ҳалоллик, меҳр-шафқат, одамлилик тўйғуларини ўсса, елкаларидаги Раҳмон бакуват бўлса, дейман. Аммо яна ўйлаб қўриб, мақолани матбуотга беришга қарор қилдим. Ахир тарбия барчамизнинг ишимиз-ку? Бутун миллимиз болаларини маънавий баркамол инсон қилиб тарбиялаш учун курашяпмиз. Эҳтимол бу ёзганларим кимларнингдир кўнглига эзгулик урғуларини сочар... Уни ўқиган газетхонлар мени нокамтарлиқда айбамаслар, деб умид қиламан.

Махбуба ХОЛОВА

Салом, кўзгудаги аксим. Нигоҳларингизга мингма, дилингиз озорли. Юзларингизни юваётган аччиқ кўз ёшлар орзуларингизни, бахтингизни ва мухаббатингизни оқиб кетмоқда...

Йиғладим, йиғладим, аммо бу кўз ёшлар бугун сабр-қосамни тўлдирди. Ўз қисматим бугун оёқларимга қўйилган тузоқ, одимлашга менда имкон йўқ...

Йўқ - бугун исён қилдим. Не учун дерсиз?... Ох буни ўзгаларга айтсам қотиб қолишимни ҳам биламан. Ўз яқинларим тушунганга олади. Лекин жимгина ортга чекинишди. Ўйлар мени адо қилиб бўлди, куну тун такорланувчи ўйлар...

Бунинг жумбоғини бу ожиз жисмим билан ечолмаяпман, унга кучим ва бардошим ҳам етмайди. Лекин яшаш керак, нима учун яшаётганимни ҳам билмайман. Ортга назар ташлаб ўтмишимга йиғлайман. Келажакка боқиб туриб яна йиғлайман. Эртага нимани кутиб яшайман?

Бу сўзларим балки ҳеч кимни қизиқтирмас. Аммо бу жамиятда яшаётган ногиронлар дунёси бор-ку! Бугун улар яшашга ҳақлими? Кимдир "Ҳа!" дейди, бошқаси эса "Йўқ"... Мен бу сўзлар билан ўзгалардан манфаат кутиб, моддий ва маънавий кўмак сўраётганим йўқ! Фақат ногиронлар қалбида ҳам яшашга иштиёқ, меҳнатга лаёқат борлигини бир сўз билан айтмоқчи-ман. Улар ҳам шу жамиятда ўз ўрнини топиши, ўзгаларга муҳтож бўлмаслик-

ни хоҳлайди. Деразага боққан ожиз нигоҳингиз ўтти учкун, уни жилолаб турган ногирон оёқлар юракдаги орзуларини тўшакка михлаб қўйган.

Тоғни урса талқон қилгудек қўллар, ерни босса зирқиратувчи оёқлар - йўқ... Бугун у ўз дарди қурбони. Лекин қачон-гача бу дардга тобе бўлади? Йиғлаган қалб бугун бор айбни ўз ота-онасига юк-ламоқда. Балки айб қисматидадир ёки

матга не деб жавоб берасиз?

Мен бу сўзлар билан қариндошлар ўртасидаги яқинлик бир умр узоклашсин дегганим йўқ! Асло! Мен фақат дунёга келган наслингизнинг келажаги армонда ўтмасин дейман...

Бугун сиз аммангиз ёки амакингизнинг қизини ё ўғлини севиб қолдингиз (хола ва тоғалар ҳам бу қариндошликка дахлдор). Муҳаббат ҳеч қачон қалбга итоат

лари бор. Сиз уни англай оласизми? Унинг орзулари не эканлигини сезасизми? Бугун икки қариндош ўртасидаги оила аталмиш наслингиз издоши ногирон ўғлингиз ё қизингиз шу бахтнинг аччиқ кўз ёшлари эмасми? У ҳам сизлардек тўрт мучаси соғлар дунёсида яшашни истайди, аммо бу унга насиб етармикан? Биламан, ҳеч қачон бу дарднинг энгиб кетолмайди, чунки бу наслингиз сизга аталган бир имтихони. Яна алам-зада бу сўзлар дилингизни огритади, деб қўқмаман, қўқмаман.

Бугун бу ожиз қалбнинг нигоҳлари аламдан, азобдан тўкилиб йиғламоқда. Унинг юпанчи фақат бир хаёл.

У ҳар доим ўзини ва қисматини ланталайди. Бу кўриниш ва ўзгаларга боқиманда бўлиш кимга ҳам керак? Наҳотки, сиз бугунги ҳаётингизни бахт деб эртага дунёга келадиган фарзандларингизни бир умр армонда йиғлаб ўтишини истасангиз азиз ота-оналар?!

Тахририятга: Балки менинг бу дард ҳолим чоп этилишга арзимас. Лекин мен бугун шу дард қурбониман. Мендек қариндошлар ўртасидаги никоҳдан тугилган аламзада юраклар қанчадан-қанча... Лекин бизнинг сифимиз кўпайишини истамайман. Бундай қисматни ҳатто душманамга ҳам раво қўрмайман.

Ш.АБДУҲАКИМОВА,
Фаргона вилояти,
Ёзёвон тумани

КЎЗГУДАГИ АКСИМГА БОҚИБ...

Худонинг бир йўриғидир! Лекин хануз-гача қариндошлар ўртасидаги никоҳ бугун ва эртага қадам қўётган насли ожизлар дунёсига етаклаб кирмоқда.

Тиббиётнинг ошқора тарғиблари ота-онамизни ва бугунги ёшларни келажак насли тақдирини не бўлишини наҳотки ўйлантирмас? Бугун мен ҳам ана шу урф-одатнинг бир мевасиман. Бугун қисматимдан ўқинмоқдаман, йиғламоқдаман.

Опа-укадан қиз олишни ёки ака-ука бўлишни истайди. Ўзаро айтилажак "Йўқ" деган сўз бу яқинлиқни узолтмас керак. Фақат ўртада гиначилик пайдо бўлади. Аслини олганда ота-оналар ўз фарзандларига ёмонлиқни раво қўрмайдилар. Аммо бир кун келиш шу фарзандлар афсусдан кўз ёш тўққанда, мажруҳ фарзандини қўлига олганда сиз бу қис-

билан кириб келмайди. Фақат ақл сизни тўғри йўлга бошлайди. Лекин кўнгли сизни ҳар жиҳатдан алдаши мумкин. Бугун сиз келинсиз, бугун сиз қувё, бахтли оиланинг сўлтони ва маликасисиз. Эртага сиз ота, она бўласиз. Аммо фарзандингиз нуқсонли бўлса-чи? Бу бахт сизга татирмикан? Бугун фарзандингиз йиғламоқда. У ўз ҳаётининг чигал сўмоқларида ўзгаларга муҳтожлигидан ўқинмоқда. Ахир бугун сиз унинг суянчигисиз, эртага у сиздан кейин кимга суяниб, кимга сарғаяди?...

Йўқ, сиз буни ҳаётингизга келтирмайсиз. Бугунги бахтни бахт деб ўйлаяпсиз. Эртага ўғлингиз ё қизингиз шу қисматдан ўқинганда уни не деб юпатоқчисиз? Унинг ҳам юраги бор, шу ожиз орзу-

Мактубларингиз...

Оиламиз

асли андижонлик. Отам иш юзасидан Тошкентга келганлиги боис биз ҳам онам билан бирга шу ерга кўчиб келган эканмиз. Биз бахтли яшардик. Ҳеч нарсадан қамчилигимиз йўқ эди. Оилада 3 фарзандимиз - 3 қиз. Мен энг кенжасиман. Ҳозирда ёшим 25 да. Оиламиз, 2 та фарзандим бор. Лекин юқорида айтган бахтимиз узокқа чўзилмади. Бирдан отам ўзгариб қолди. Мен 7-8 ёшларда эдим. Ўйда нуқул жанжал бўларди. Отам онамга: "Ишлаб ўз-ўзингни бок! Жонимга теғдинлар. Ўзим учун яшайман!", - деб ўшқирганлари ҳали ҳам ёдимда.

Ўзи учун яшагани бизни ташлаб кетганида мен 8 ёшда эдим. Онажоним кўп йил бола тарбияси билан шуғулланиб ўйдан чиқмаганликлари учун дастлабки пайтларда анча қийналдик. Тўғри отам бизга ёрдам бергандек бўларди. Лекин бу арзимас ёрдам рўзгор тебратишга етмасди. Онажоним касалхонага фаррош бўлиб ишга жойлашдилар. Яна қўшимча қаерлардан дорилар иш топдилар. Эх-хе... Биз ҳам эрта вояга етдик. Дугоналаримга ҳавасим келарди. Уларнинг отаси ҳам, онаси ҳам бор, тирикчилик ташвиши йўқ. Мактабни битириб кўплари орзу қилган олий ўқув даргоҳларига ўқишга киришди. Мен-чи, пул етишмагани туфайли 9-синфин битириб ҳунардан ўқиндим. Менинг ҳам орзуларим кўп эди...

Эх ота, ўзинг учун яшагани келган экан, нима учун бизни дунёга келтирдирдинг?! Нега бизни хорлиғи зорликка маҳкум этдинг?! Кўп эркаклар хотинидан кўнгли тўлганлигини рўқач қилиб,

УНИ КЕЧИРОЛМАЯПМИЗ!



оилаларини ташлаб кетишади. Лекин фарзандларини ким ўйлаши керак? Нима учун оғирлик аёлларнинг зиммасига тушиши керак? Нега энди болани туғдирган эркак уни ташлаб кетган, арзимаган 9-10 минг сўм алимент тўлаб қутулиб қолаверди керак. Ахир бутун бир инсонни вояга етказиш учун бу пул нима бўларди? Онажоним бизни не азобларда вояга етказдилар. Турмушга бердилар. Бечора онажоним... Кўз ёшларимни тўхтатолмаяпман. Ёлғизликда бизларни оёққа турғазиб, роҳатимизни кўрмай оламдан ўтдилар.

Онажоним! Ўзим она бўлган, сизга қандай қийин бўлганини англаяпман. Кечалари уйғониб кетиб, онамнинг паст овозда йиғлаётган овозларини эшитиб қолардим. Энди билсам, кундузлари ўзингизни тутиб юрар экансиз-у, кечаси ҳам-аламингизни кўз ёш билан ёстиққа тўхаркансиз.

Азизим, онажон! Яқинда сизнинг оламдан ўтганингизга бир йилдан ошди. Ҳаммамиз йиғилдик. Худога шукри, барчамиз ўз йўлимизни топиб бекаму кўст яшайпмиз. Қувларингиз-пачаларим, умр йўлдошим яхши одамлар. Ҳаммамиз ахилмиз. Онажонимнинг ва-сиятлари ҳам шундай эди.

Уша кунни уйимизга отам келди. Билмадим, нима бўлган, лекин у ҳаётдан мамун эмасди. Очиги, биз уни совуққина қутиб

олганимиз учун ҳам айтолмагандир. Лекин қандайдир илнжда келгани юз-кўздан билиниб турарди. Анча қариб қолди. Эх ота! Ўзинг учун яшаб нимага еришдинг? Бизнинг бахтимизни кемтик қилиб бахтли бўлдингми? Ёки виждон азоби қийнаётми? Бизнинг эрта кетган болалигимизни қайтара оласанми? Онажонимнинг ёлғизликда кечган умрини нима билан тўлайсан? Ўзинг учун яшасанг ҳам бир кун қариб экансан-ку! Энди биз нега керак бўлиб қолдик сенга?

Отам кетган, катта ўғлим: "Ойи бу ким?" - деб сўради. Ўзимни йиғидан зўрга тийдим. "Ҳеч ким...", - дедим. Ҳа, бизга оталик қилиши мумкин бўлган инсон, бугун бизга бегона, ҳеч ким! Биз отамни кечиролмаяпмиз. Балки бу ёмондир. Ахир инсон кечиримли бўлиши керак, дейишадик-ку! Лекин барибир кечиролмаяпмиз. Балки онажоним ҳаёт бўлганларида бошқача бўлиши мумкинми? Ҳозир эса отамнинг юзига қарасам, онажонимнинг кечалари йиғлаган товушлари қулоқларим остида жаранглайверди. Маёус юз-кўзлари кўз ўнгимда гавдаланавиради. Ахир онам ҳам ўзи учун яшаса бўларди-ку! Нега энди у ўзини бизга қурбон қилди-у, отамиз эса ўз фарогатини ўйлади?!

Онажоним! Сизни ҳеч қачон унутмаймиз, юзингизни ерга қаратмаймиз. Сиз айтгандек ахил бўлиб яшаймиз. Барча оталарга айтар гапим бор: "Фарзандларингизни ташлаб кетманг! Улар бахтини кемтик қилманг". Юртимизда биронта ҳам кўнгли ярим бола бўлмасин. Ота деган муқаддас номингизга ҳиёнат қилманг. Ишонинг, бир кун келиб муқофотланасиз!

Хулқар
Тошкент шаҳри

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

га сарфлаётганди. Лекин, шунга қарамай онамга фойдаси бўлмади. У вафот этди. Кейин маъракалари ўтказилди. Бу вақтга эса менинг оёқ босишим азоб-укубатга айланди.

- Қандай қилиб шунча олисдан келдингиз?

- Бир қўшимчимиз Олой бозорига мева-чева олиб келиб сотарди. Ўғли синфдошим. Гаплашиб бирга келдик.

- Нега отангиз билан келмадингиз? Ахир у киши ҳам боласининг соғлигини ўйлайди-ку!

- Тўғри. Лекин... Ҳозир отам яна уйланган. Рўзгор ишлари, ташвишлари куп-да. Мен эса ўзим Худога таваккал қилиб келавердим.

- Мақсадингиз...

- Газетангизда қўлтиқтаёқ билан юрадиган қизни операция қилган жарроҳ ҳақида ўқигандим.

ДИЛИМДА ОРЗУЛАРИМ КЎП

Оёғим лат еди. Бир неча вақтга-ча ҳеч кимга айтмадим. Сал яхши бўлгандек туюлганди, аммо...

- Кейин оғрий бошладингми?

- Ҳа, кечалари кўрпанинг ичиди йиғлаб-йиғлаб ухлаб қолардим.

- Нима учун ота-онангизга вақтида айтмадингиз, ахир? - Ота-онам... Биласизми, ўша пайтларда бизга жуда оғир эди. Онамнинг дарди зўрайиб кетганди. Духтирлар аввалгига бечора онамнинг битта оёғини, кейинчалик эса иккинчи оёғини ҳам... Кесиби ташлашди. Отамга қийин эди. У кечаю-кундуз оғриқ азобидан додлаб йиғлаётган онам билан овора эди. Уйимиз ғамхонага айлانганди. Шулар ҳам етмагандек мен ҳам оёғим оғриётганини айтсам дард устига чипқон бўлишига ақлим етарди.

- Барибир айтиш керак эди-да, Қосимжон. Назаримда ўшанда бунинг ҳам бир чораси топилаарми...

- Мен айтмасам-да, оқсоқлана бошлаганимни ҳамма билди. Отам йиғлади. Бирок унинг ҳам иложи йўқ, қўли калта эди. Топган пулининг ҳаммасини онам-

Мен бир нарсадан қўқмаман. Оёғим ишламай ётиб қолсам нима бўлади? Ахир дилимда орзуларим кўп, тенгдошларим қатори ўқигим, бирор касбни эгаллаб, ота-онамга фойдам тегса, дейман. Эшитишимча бундай операция жуда қimmat турармиш. Наҳотки, менга ёрдам берадиган бирор раҳмдил шифокор топиламаса?

- Қосимжон, яхши инсонлар борлигига, биронтаси сизга ёрдам беришига ишонаман. Чунки, олижаноб ҳакимлар албатта бизга жавоб беришади, дея умид қиламан.

- Кўнглимни кўтарганингиз учун раҳмат. Дардимга даво топиб кетсам "Оила ва жамият" газетасига келганимни ёслаб ўзимча хурсанд бўлиб яшайман-да.

Қосимжонни кузатарканман баланд зиналардан унинг қийна-либ тушиб кетётганини кўриб эзилдим. Қани эди, Меҳр-муруват йилида олижаноб шифокорлар топилса-у, шўрлик болани даволашга ёрдам қўлини чўзишса... Ахир етим-есирларга, муҳтожларга мурувват қиладиган элда ашайпмиз-ку, шундай эмасми?

Басира САЙДАЛИЕВА

Бу мақолани ўқирканман, тарбияда мактабнинг оила ҳамкорлиги катта аҳамиятга эгалиги ҳақида мулоҳаза юритдим. Мен 30-йиллар ўқитувчилик қилдим. Тўхта ака Рашидов деган ҳамқишлоғим билан институтда бира ўқидик. У киши авваллари мактабда дурадгорликдан дарс берди. Ўқитувчи етишмагани учун унга бошланғич синфни беришди. Хар бир дарсга пухта тайёргарлик қўрди.

Кишлоқдаги ота-оналар: "Менинг фарзандимни шу Тўхта Рашидов ўқитсин!" - деб мактаб директорига ялинардилар. 1-синфдан то 4-синфгача ўқувчиларни ўқитар, улар орасида муомалани яхши йўлга қўярди. Дарсдан сўнг болаларни олиб қолар, қўшимча машғулот ўтарди. У ўқувчиларни аҳил ва бир оила аъзоларидек бўлишга даъват қиларди. Мана бугунги кунда Т.Рашидов ўқитган ўқувчилар энг яхши оила бошлиқлари.

Кўрдингизми, Ота-она, мактаб ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилса, фарзандларимиз тарбияли бўлади. Аммо кўпчилик ота-оналар "Бу фақат мактабнинг иши!" - деб бефарқ қарайдилар. Умр савдоси... Бу нихоятда мушкул. Хар бир ота-она фарзандини улгайтираркан: "Яхши жойдан келин қилсам,

аввало ота-онаси яхши одам бўлса... Келиним ўқиган, тушунган, муомаласи яхши бўлса!" - деб орзу қилади. Орзу бу яхши нарсаси. Аммо орзумиз сароб бўлса-чи? Яхши емай, яхши киймай: "Келин қиламан!", деб, минг хил қийинчиликларни энгиб, тўрт танга то-

жуда ҳам тўғри йўл тутган. Касалхонага бориб, врач кўригидан ўтиш учун (аслида бўлажак келинни муомаласини кўриш) борган.

Шундай экан, хар бир ота-она, бўлажак келинни ёки куёвини хар томонлама кузатиши, суриштириши зарур. Акс ҳолда оила қурилса, кўпгина низолар келиб чиқиши мумкин. Ҳаёт инсонга бир марта берилишини биламиз. Шундай яшайликки, биздан фақат яхшиликлар қолсин. Тўрт кунлик дунёда бир-биримизга, яхши муомалада бўлайлик. Комил инсонлар тарбиялаб қолдирайлик.

Мен Илҳомжоннинг севган қизига айтмоқчиманки: Ҳой қизим, мактабда, институтда ўқиб, аввало яхши муомалани ўрганмадингми? Сен шифокор деган номга но-лойдиксан. Шифокор аввало ўзининг ширин сўзи билан беморларни даволайди. Халқимизда шундай мақол бор: "Яхши гап билан илон инидан чиқади, ёмон гап билан пичоқ қинидан чиқади". Сен ёш экансан бу муомалани ташла. Агар ташламансан, сен ҳаётда яна қоқиласан. Хар бир инсон ўзининг юриш-туриши, муомаласи билан ҳурмат қозонади. Бу инсоний бурчимиздир.

Ҳайбулла АБДУЛЛАЕВ
Бухоро вилояти

ИНСОНИЙ БУРЧИМИЗНИ

"Муомаланинг чиройли бўлса..."
4-сон, 2004 йил

Совчилар кутавериб толиққан, қизининг оғзини пойлаб зорикқан онаси меням суриштиргандир. Оилавий шароитимизми, уй-жойимизми, балки хонадонимиздаги баъзи қора доғлар ёқмагандир. Ҳаётда кўнгли қўйиб, ёши йигирма еттига етиб қолган бечора қиз нима десин тагин? Бу тош бошимни қайси деворга урсам уни ушлаб қоламан?

Орадан ўттиз йилдан зейбдор вақт ўтди. Неча дарёлар оқиб кетди. Вақт ҳар нарсанинг даввоси, олий ҳакам. Умр ҳам бир жойга бориб қолди. Соғлигим ёмонлашгани туфайли иккинчи гуруҳ ногиронлиги нафақасига чиқдим.

Охириги шифокорлар кўригидан ўтиш учун марказий шифо-

хонага кирдим у ҳурмат тахтаси ёнидан силжий олмадим. Қай кўз билан кўрайки, бир вақтлар мени жинни қилаётган ўша нигоҳлари жилмайиб турган самимий, дилкаш чеҳра. Сурат остига кўзим тушди.

"Хизмат кўрсатган олий тоифали шифокор Ҳамид Пўлатова". Шунча йил бир шаҳарда яшаб, учрашган жойимизни қаранг.

Тог-тоғ билан рўбарў келмайди, деганлари шудир. Сурати-

га қараганда ўзгармабди. Эшикни очсаму ёниб турган кўзларига тўйиб-тўйиб боксам. Таний оларимкин? Қирқ йиллик армонлар ушалармикин? Гуноҳлар тўқилармикин? Ҳаёл гирдобчи чарх урарди-ю, оёқлар жойидан жилмасди. Баъзан босаётган қадамим гуноҳ эканини билатуйиб, ўшаёққа талпинасан.

Дўзах ўти кўзингга кўринмайди. Балким унутилган дардлари янгилиниб кетмасмикин? Ахир ҳар қандай аёл қалбида ҳеч кимга айтилмаган сиру-синаотлар бўлади-ку.

Эҳтимол умр йўлдошим ёнмаёндир? Ким билади? Қадамим ортага ундарди. Шунча йил талпинган юрак ортага чекинса. Бу нима? Умр интиҳосининг нишонасими? Пулсирот кўпригидек савобу-гуноҳнинг чегарасида турибман. Бир қадам боссам охи-

рат жаҳаннамга айланмасмикин?

Сўфи Оллоёрдек зот бир қиёбоққанига, минг тавба-тазарру қилган экан. Бу кўнгил сўқмоқлари "Войил" га (дўзахнинг энг чуқур жойи) элтмасмикин?

Синов дунёсидиги, йиллар армони-ю, юрак қатларидаги доғларни ювиб бўлармикин?

Ўлчовли умр лаҳзаларини, ёруғ юз билан яшаб, яратганнинг дийдорига мушарраф бўлмоқлики насиб этсин.

Ушбуни ёзмоқдан мурод, ҳаётнинг ҳар они ғанимат. Бир марта берилган янаш имконидан унумли фойдаланиш. Биз йўл қўйган хатоларни тақдорламасликдир. Фирқ ва мулоҳазаларингиз битилган мактубларингизни кутиб қолувчи

Х.М.

(Боши ўтган сонда)

...Тўғри опаси Сайёраникига борди. Ароқ сўради.

- Вой, ароқни нима қиласан, машинадасан, - опа қаршилиқ қилди.

- Борми, опкелайми, - Алишер ўрнидан турди.

- Вой, бор-бор, нима гап, тинчликми? - Опа музхонани очиб арақ билан газакка помидор олди...

...Катта пиёлага тўлдириб қуйди. Ичди. Газак қилмади. Яна қуйди...

Ичди. Учинчи пиёлани опа тортиб олди.

- Хой бола, тинчликми, нега мени қўйнайсан, - опа йиғламсиради. - Ёки келинни...

бир нарса қилиб қўйдингми, нима бало?!

- Келин... мен ишда... у ялло қилиб...

билан ёпиб бўлармиди.

Бир куни Гулбаҳор Гулжаҳонни Шерали билан уйда тутиб олди.

- Уятсиз, - деди бўғилиб, - эртага эринг келса, қайси юз билан қарайсан?

- Нима қилай, ўзи қўймапти, - Гулжаҳон қизарди, - мен ҳам уни яхши кўриб қолганга ўхшайман...

- Ҳе, бунақа бевақт севгини ел олсин. Нима қиласан, бошингда эринг туриб, ўзингдан тўққиз ёш кичик, хотини бор одамни бошини айлантириб...

- Опа-опа, - Шералини афти хунуқлашди. - Бизни ишимизга аралашманг. У бундан бўён Алишер билан яшамайди. Болаларини ҳам ўзим боқаман, билдизми?

Криминал очерк

ҚОТИЛА

Опа лабини тишлади.

- Сиз ҳеч нарса билмайсизми?!

...
- Қанжик у ... Шерали ким?!

...
- Ўйнаши у ... Ўлдираман! - шахд билан ўрнидан турмоқчи эди, идишлари билан сурилиб йиқилди. - Билардим, мендан яшириб юрганликларингизни... Ҳеч битталарингиз айтмадингизлар...

- Нима қилайлик, оиланг бузилмасин, дедик, укажон, - опа укасини қандай юлатишини билмас, ука эса шу топда бешафқат тақдир Мирзакаримбойнинг "Пул топилади, хотин ёнга қолади" деган гапининг бутунлай тескарисини унга раво қўрганлигидан доғда эди.

ГУНАЖИН КЎЗИНИ СУЗМАСА...

2000 йилнинг июл ойида Гулжаҳон Юнусова опаси Гулбаҳор Садриддиновага тиш қўйдиришлик учун стоматология поликлиникасига бирга борди. Бу пайтда Алишер юборган долларлар эвазига егани олдида, емагани... орқасида эди. 2000 долларага уй сотиб олди, кейин 5200 долларга "Нексия" сотиб олди. Кейин яна 2000 доллар харжлаб "ўғлимга" деб "Тико" ҳам сотиб олди. Битта бойвучча бўлса, шунақили бўлади-да! Ҳамма нарсаси тўқис, фақат... Опасига тилла тиш қўяётган тиш технологи Шерали Тўраев ўзидан тўққиз ёш кичик бўлса ҳам, залворлигина экан, унга бир-икки ўғринча қараб қўйди. Шерали ҳам унга бир-икки сирли қараш қилди. Кейин...

- Сиз ҳам тиш қўйдирмайсизми, - деди.

- Тиш қўйиш текинми, - ҳазиллашди Гулжаҳон.

- Сиз учун текин-да...

Шундан кейин Гулжаҳон Шерали билан қандай яқинлашиб қолганлигини эслаблмайди, телефон рақамини бердим, шайтон йўлдан оздирдим, ҳар ҳолда унинг ижарада турадиган уйига тез-тез борадиган, ишқий тунлар айш ишратга бериладиган бўлиб қолди.

Қўпича кечқурун болаларнинг устидан қўлфал кетиб, эрталаб қайтиб келадиган одат чиқарди. Энг фожеа томони бундан ҳамма хабардор эди. Ахир ойни этак



ЁЛЛАГАН АЁЛ

- Ҳов бола, бор кучала еган жойингга бориб тириш... Бировнинг оиласини бузиб нима қиласан, ордона қолгур?

- Гулжаҳон мен билан қолади, вассалом!

Бу орада Алишер келиб қолди. Шунда ҳам Гулжаҳон Шерали билан пинхона учрашувларни қанда қилмади. "Ҳа, эримнинг дарди пул топиш, ҳаётнинг лаззатларини қайдан билсин" деб ўйларди, у. Эри эса... Тешик қулқоқ эшитида-да! Оиладан хайр барақа кўтарилди. Ҳар куни жанжал, ҳар куни ур-сур... Ҳатто иш шу даражага бориб етдики, Алишер ошна-оғайниларидан, қариндош-уруғларидан қочадиган бўлиб қолди. Йигит кишининг боши ҳам бўлмасин экан. Йўл излайди, йўл тополмайди, бировга дардини ёриб айтолмайди. Охири... хотинининг ўйнашини тутиб ўлдиришга қарор қилди...

Ана шундай кунларнинг бирида Гулжаҳон Шералига кўнжироқ қилди.

- Ҳаётдан ҳам тўйиб кетдим...

Менга ҳеч тинчлик бермапти...

- Эринг билан ажраш...

- Болалар-чи?

- Ничево, бирга яшайверамиз. Гулжаҳоннинг кўз олдида қўша-қўша машиналар, дангиллама уй-жой кино лентасидай бирма-бир ўтди.

- Менга қаранг, бирор чорасини топишни иложи йўқми...

- Ниманинг?

- Эримдан қутулишнинг...

- Ҳай майли, ўйлаб кўраман.

Шундай жазони берайки, эрингнинг иккинчи марта кўзининг қўқартиришга қўли қўтарилмай қолсин...

ЁЛЛАМА ҚОТИЛЛАР

Шерали Тўраев Самарқанд тиббиёт билим юртининг стоматология бўлимининг тугатиб, тиш доволаш поликлиникасида техниклик вазифасида ишлай бошлаганида қўлига пул тушиб босар-тусарини билмай қолди. Таниш "клиент"лардан тилла сотиб олиб, мижозларга қоллама тиш ясаб, оғзига сиққанини айтиб пулини "шилиш"ни ўрганиб олди. Бир куни қўлига мўмай тилла тушдию пули етмаганидан қаршилиқ танишлардан Азиз Шукров ҳамда Темури Дзангубековлардан фоизга 200 минг сўм қарз олди. Тўлов муддати етганда Шерали чўнтагини иситиб турган пуллари ҳамтовокларига бергиси келмади.

- Менга қара оғайни, пулни берсанг-бердинг, бўлмаса мурдангни балиқларейди, - деди шерикларидан бири.

Шерали қараса иш чаток. Уларни овқатга таклиф қилди.

- Пул бўлса бир гап бўлар, юринглар, бир чой ичайлик.

Чой ичишди.

- Иш бор, - Шерали ҳамтовокларига сирли қараш қилди. Бир киши бор. Пулдор, доллар бор. Учта "тико"си бор. Ўзи қирақшлик қилади.

- Нима қилиш керак? Шерали қўлини "пичоқ" қилиб бўйнига тортиди.

- Буёғи қандай бўлади. Фақат ҳеч ким билмаслиги керак. Уни ўртадан олгандан кейин хотини бир ҳафта ўтиб, "тико"ни сотиб пулини тўғри-лаб беради.

- О, кей братан, - Темури ўрис-чалади. - Только смотри, кидат будеш пинай на себя, горько платат будиш.

Ҳамтовоклар ишни бошлашди. Улар 2001 йил 12 февралдан 14 февралгача у кун мобайнида Алишернинг машина билан ҳаракат йўналишини ўрганишди. 14 феврал кунни кеч соат 17-18ларда Дамариқ бозори ёнида болалар шифохонаси олдида Темури, Азиз, Шерали шу ёққа бўш келаётган 141 36-90 давлат рақамли "тико"ни тўхтади. Кейин Азиз Алишер билан савдолаша бошлади. Қаршига уч кишини олиб бориб келишга ўттиз минг сўмга келишишди.

Азиз билан Шерали машинанинг орқасига, Темури ёнбошига жойлашиб олишди. Алишер соатга қаради: яхши ҳайдаса уч соатда Қаршига бориб қайтади. Уч соатда ўттиз минг киши ҳам берар эди...

(Давоми бор)
Исматулло ЙЎЛДОШЕВ
Самарқанд вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси.

Аслида кузнинг гавҳарини доқадек парда қоплаб, хиралашиб қолади.



Айтишларича, қадимда фиръавнлар жуда узоқ умр кўрганлар. Бунинг сабабини аниқлашганда, улар терлатадиган, қустирадиган ва ични суриб, организмдан захарларни чиқариб ташлайдиган воситалардан фойдаланишгани аён бўлган. Аслида табобатда "тозалаш" деган ибора бор. Хўш, бу нима дегани? Айтилик, кўп вақтлар давомида курум босиб ингичкалашган қувурлар ўз устасининг қўлига тушиб "тозаланса", у катта куч билан яна шигиллаб ишлай бошлайди, шундай эмасми? Танамиздаги қон томирлари ва ҳазм аъзоларида ҳам йиллар мобайнида ортиқча шиллиқлар, овқат қолдиқлари заррама-зарра тўпланиб боради, ичка ва томирлар деворига ёпишиб қотади, сўнг йўллари "тўсади", оқибатда аъзолар иши қийинлашади. Бу эса хасталиклар келиб чиқишига сабаб бўлади. Агар зарур чоралар кўрилиб организм тозаланса борми, барча аъзолар тўла қувват билан ишлаб кетади, киши хасталиклардан фориг бўлибгина қолмай, балки бир қанча йилларга ёшариб ҳам қолади! Фулом Мадаминов яратган "FM Ал-иксир тарёғи" (русча номи "элексир") ана шундай тозалаш хусусиятига эга экан. Махсус кўрсатма (ёрлик)да дорининг хосиятлари ва қай хасталикларда қўлланилиши ҳақида мана бундай ёзувлар бор:

"Ушбу иксирлар моддалар

алмашилиб туриши йўлларида пайдо бўлган ҳар қандай тикилмаларни тўсишлари эришди. Қўл-оёқ бўғинлари ва умуртқа поғоналарида туз тўпланиб, қотиб қолишини бартараф этади. Янги қон ҳосил бўлишини тезлаштирилади, барча аъзоларда ўз умрини ўтаб бўлган, чириган ҳужайра ва тўқималарни қўпориб, янги ҳужайра ва тўқималар яратилишига имкон туғдиради. Буйрағида туз-тош борлиги сабабли ўта семириб кетган беморларнинг иштаҳасини камайтириб озиқдирилади, қовуғида туз-тош борлиги

учун ўта озиб кетган беморларни эса иштаҳасини кўтариб, семиртиради. Ич қотиши ёки сийдик тўтилишидан азоб чекаётган беморларни бу дардлардан фориғ этади. Шунингдек, дори қалқонсимон без фаолиятининг бузилишидан келиб чиқадиغان эндокрин касалликларни, камқонлик, бавосил (геморрой), гепатит, миокард инфаркти, зотилжам (ўпка яллиғланиши), инсулт, баъадон бўғзининг емирилиши (эрозия), подагра, ўт, жигар ва жинсий аъзолардаги барча хасталикларни даволашда қўлланилади. Бу иксирлардан вақти-вақти билан оз-оздан ичиб турилса, барча касалликларнинг олди олинади, тери ва юзининг ранги очилади, тафаккур равшанлашиб соғлиқ мустаҳкамланади, куч-қувват ошади. Дори бавоқат қаришни бартараф этиб, умрни узайтиради..."

"FM Ал-иксир тарёғи" (тарёқ-захарларга қарши ишлатиладиган жуда мураккаб таркибга эга бўлган дори) ювиб тозаловчидир, у энг аввало касалликни келтириб чиқарган иллатлардан бемор вужудидан даф этади, бошланиб келаётган касалликларнинг олдини олади, бу дорининг таркибида бошқа қўшимча хасталикни чақиритиши ёки бирор асорат қолдириши мумкин бўлган ҳеч қандай захарли ва зарарли моддалар йўқ, дейилади яна ушбу кўрсатмада.

Фулом Мадаминовнинг айтишича, инсон танасида қуруқ, иссиқ, хўл, совуқ мижозлар асосан хилтлардан юзага келади. "Бу

ҳақда қадимги табиблар ҳам ёзиб қолдиришган, - дейди у. - Хилтлар жигарда пайдо бўлади. Жигар соғлом бўлса, хилт ҳам соғломдир. Хилт соғ экан, вужуд ҳам соғломлашади. Бизнинг иксирларимиз ўз мўътадиллигини йўқотган хилт ва мижозларни ислоҳ этиб, қайта мўътадиллаштиради..." Маълумки, амалда қўлланилаётган ҳар қандай дорининг куч-қудрати энг

илмий Маркази (директори профессор М.Рустамова) 3-клиникасида сурункали холициститга чалинган 45 та беморда қўлаб кўрилган, бу дори воситалари "Сафро ҳайдовчи ва гепатопротектив препарат" деб тан олинди.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти (директори Ж.Собиров) клиникасида берилган ҳулосаларга кўра "FM Ал-

шириш институтларида таъсир даражаси ўрганилди. Яна шунинг айтиши керакки, Фулом Мадаминов томонидан яратилган дорилар эндиликда ҳориқлик доришунос олимларнинг ҳам эътиборини тортаётир.

Чиндан ҳам, ўтган йилнинг сентябр ойида Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган ("Гастро-2003") "5-Славян-Балтика халқаро илмий форуми"га Фулом Мадаминов ҳам таклиф қилинди. Форум қатнашчиси сифатида унга махсус сертификат тақдим этилди. Шу улкан анжуманининг ўзидаёқ қўлаб чет эллик олимлар Фулом Мадаминов билан илмий ижодий ҳамкорлик юритиш истагини билдирдилар.

Фармакология Кўмитасининг махсус қарорига кўра, Фулом Мадаминов яратган дори воситалари республикада тиббиёт амалиётида ишлатилишига рухсат берилган. Айнаи вақтда "Фулом Мадаминбек" хусусий корхонаси Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги 15-мавзе (28-уй, 2-хонадон, телефон рақами - 225246)да фаолият юритмоқда.

Яқинда "FM Ал-иксир тарёғи"нинг яна бир янги хусусияти аниқланди, - дейди фармаколог профессор Искандар Мавлонов. - Бу препарат тўқималарининг кислород танқислигига чидамлилигини ошираркан! Демак, дори инсоннинг иммун тизими бардошлилигига ижобий таъсир кўрсатаркан. Хуллас, режадаги клиник синовларда ҳали бу дорининг янги хусусиятлари янада яққол кўринади деган умиддамиз. "Интиланганга толе ёр" дейдилар. Фулом Мадаминовнинг интилиш ва изланишлари замирида эл-юрт саломатлигини сақлаш, кишиларнинг умрини узайтиришдек эзгу мақсад бор. Мана шу қатъий мақсад уни ёруғ манзиллар томон янада жадал бошлаб кетаётган бўлса ажабмас.

Гулчехра ЖАМИЛОВА

"ЭЛИКСИР"НИНГ СИРИНИМАДА?

(Бу дори танангизни ёшартириб, қайта куч-қувват бағишлайди, - дейди табиб Фулом Мадаминов)

аввал хасталикни тузатиш жараёнида намоеён бўлади. Шунинг сингари, табиб фаолиятига энг ҳолис баҳони бергувчилар ҳам беморлардир. Мен Фулом Мадаминов яратган дорилардан шифо топган кўпгина беморларнинг миннатдорчилик билдириб ёзган мактубларини ўқидим.

2003 йил январидеда махсус дастур тузилиб, Фулом Мадаминов яратган дори воситалари республикадаги йиллик институтлар клиникаларида илмий ва амалий синовдан ўтказилди.

Тошкент Педиатрия институти 2-клиникасидаги синовлар давомида гепатитнинг ўткир В тури билан оғирган 18 ёшдан 64 ёшгача бўлган 30 нафар беморлар ҳамда сурункали гепатитга чалинган турли ёшдаги 65 та беморлар айнаи шу дори кучи билан тезда соғайгани маълум бўлди. Институт томонидан берилган ҳулосаларда "FM Ал-иксир тарёғи" сафро ҳайдовчи ва гепатопротектор (жигар ҳужайраларига ижобий таъсир килувчи) препарат ҳамда иммунимодулятор сифатида вирусли гепатитнинг ўткир ва сурункали В турини даволашда қўлланилиши зарурлиги баён этилди. Республика Гастроэнтерология

иксир тарёғи" сафро ҳайдовчи ва гепатопротектор препаратдир. Институт клиникасида юқумли сарик касаллиги билан оғирган турли ёшдаги 43 нафар бемордан бу дори воситалари қўлланилиб ва ижобий самаралар берди.

Дори юзасидан ўтказилаётган клиник синовларга раҳбарлик қилаётган шу нарсани кузатдимки, "FM Ал-иксир тарёғи" препарати қабул қилган беморлар танасида сафро димланиши (яъни тана терисининг саргайиши, ўнг қовурга тағидаги оғриқ ёки оғирлик ҳолатлари)нинг йўқолиши бу ерда даволанаётган бошқа беморларникига нисбатан жадалроқ давом этарди, - дейди Тошкент Педиатрия институтининг инфекция касалликлар кафедраси мудири, профессор Илхом Қосимов.

Фармаколог, тиббиёт фанлари номзоди Ҳабибулло Пулатов шундай дейди: - Мураккаб таркибга эга бўлган ушбу дори воситаларининг шифобахшлик хусусиятини ҳар томонлама ўрганиб чуқур анализ қилиш эндиликда кўпчилик доришунос олимларни ҳам қизиқтириб қўйди. Бугунги кунда республикамизнинг бир нечта илмий-тек-



Қадим Эллада табиблари илк бор тилга олган "катаракта - katarhantes" сўзи юнончасига "шаршара" дейилади. Чиндан ҳам катаракта билан бетобланган кўз гўё шалоладек сув оқаётганидан яхши кўрмай қолади. Аслида кузнинг гавҳарини доқадек парда қоплаб, хиралашиб қолади.

Мутахассисларнинг тушунтиришларича, кўз гавҳари ядро, қобиқ ва гилофчадан иборат. Кўриш фаолиятимизда гавҳарнинг вазифаси бениҳоя муҳимдир: у ўткир нурларни шунчаки синдириб қолмай, буюмларни аниқ, равшан кўриш учун турли масофаларда бу нурларни гоҳ заифлаштириб, гоҳ кучайтириб туради.

Хўш, шундай экан, катаракта қаердан пайдо бўлади? Маълум бўлишича, кўз гавҳарида қон томирлари бўлмайди, у кўз ичидagi суюқлик ҳисобига яшайди. Бу жараён рисоладагидек кечса, гавҳар кимёвий суюқлигининг таркиби деярли ўзгармайди, демак унинг физик ҳолати бирдай кечади. Мабодо моддалар алмашишуви бузилса, бу муқаррар кўз гавҳари фаолиятига таъсир этади ва кўп ҳолларда катаракта авж олишига сабабчи бўлади. Бу касаллик туғма ва кейинчалик пайдо бўлади. Биринчи ҳолат она ва ҳомиланинг баъзи касалга чалиниши оқибатида юзага келса, иккинчиси бирор хасталик, жумладан қанд диабет, жароҳатланиш ёки нурланиш натижасида рўй беради. Лекин, катаракта ёши талларда асосан 50 ёшлардан сўнг жуда кўп учрайди.

Кўз гавҳарининг хиралашуши қай даражада ва қандай жойлашгани ҳар хил бўлади. Агар бу жараён оптик зона марказида бўлса, касалликнинг биринчи босқичидаёқ кўриш қобилияти кескин ёмонлашади. Хиралашуш четроқда содир бўлса, бемор анча пайтгача уни пайқамайди. Бироқ, вақт ўтиши билан катаракта авж олиб, шифокорга мурожаат этилмаса, кўз кўр бўлиб қолиши мумкин.

Бу касаллик билан курашиш кўп асрлик тарихга эга. Эраимиздан аввал IV асрда

қадимги Ҳиндистон табиблари махсус игна ёрдамида кўз гавҳарини тешиб, ичидagi хира суюқлики аралаштиришган. Натижа унча яхши бўлмаса-да, узоқ пайтгача бу усулни қўлаб келганлар. Фақат 1747 йилга келиб Жак Даниэл хи-

КАТАРАКТА:

ралашган кўз гавҳарини олиб ташлаш тақлифи билан чиқди. Шундан сўнг илмфан бу борада ҳам илгарилаб кетди.

ЗУЛМАТ ЁКИ ЁРУҒЛИК?

XX асрда микроскоплар яратилиши шарофати билан кўзни микрохирургия йўли орқали даволаш юксак поғонага кўтарилди. Кўз жарроҳлари микроскоплар ёрдамида жарроҳлик жараёнини бошдан оёқ қузатиб туриш имконига эга бўладилар. Илгари жарроҳлик учун кўз гавҳари тамоман хиралашиб қолиши кутиларди (тиник кўз гавҳарида озгина хиралашуш пайдо бўлса, жарроҳ уни микроскоп ёрдамида бартараф эта олади). Бу янги усул касалликнинг бошланишидаёқ олдини олиш имконини бермоқда.

Тиббиётнинг ривожланиши катарактани даволашда хиралашган кўз гавҳарини сунъийси билан алмаштиришгача етиб борди. Жумладан энг замонавий асбоблар ёрдамида кўзга линзалар жойлаштиришдаги муваффақиятлардир.

Энг урф бўлган замонавий усуллардан бири сунъий кўз гавҳари ўрнатишдир. Бунда муғуз парданинг чети бор-йўғи 3 мм. кесилади ва бу ёриқча орқали ультратовушли найча ўтказилади. Найча хира гавҳарни эмульсияга айлантириб, олиб ташлайди. Сўнг найча тортиб олинади ва бўм-бўш гилофчага юпка линза жойлаштирилади. Линзанинг ихчам мўйловчалари унинг мустаҳкам жойлашушига ёрдам беради. Ҳозирги пайтда кўз соққаси тўқималарига мос келувчи сунъий линзалар ишлаб чиқилмоқда. Шуниси ҳам диқ-

қатга молики, жарроҳликда ҳеч қандай чок тушмайди. Юқорида айтиб ўтилган жарроҳлик усули юқори даражадаги замонавий жарроҳлик технология асосида нақор ёрдамида амалга оширилади. Кўриш фаолияти 2-3 соатдан кейиноқ тикланади, лекин кўнглидагидек маромга тушиб кетиши бемор организмга боғлиқдир. Жарроҳликдан сўнг бир неча кун кўз қизариши, ёруғликка таъсирчан бўлиши мумкин. Бу табиий ҳол, албатта. Кўзга инфекция тушмаслиги учун томизги дорилар тавсия этилади.

Катаракта қанчалик тез бартараф этилса, шунчалик унинг асоратсиз, кўзимиз беғубор ва тиник бўлишига эришамиз. Жамила тайёрлади.

Билиб қўйган яхши



Мураббо

қайнатаётганингизда идишнинг қирраларига ёпишадиган кўпикларни совуқ сувга ботирилган пахмоқ латта билан артиб турсангиз кейинчалик қиёми шакарланиб қолмайди.

Салат

солинадиган идишнинг қирраларини кесилган саримсоқлиёз билан артиб, сўнг салатни солиб дастурхонга тортсангиз хушбўй хид таратиб туради.

Қайнатма шўрва

тайёр бўлаётган қайнатма шўрвангизни ранги тиниқ бўлишини истасангиз тайёр бўлиши арафасида унга бир бўлакча муз парчасини солиб юбориб қайнаб чиққанидан сўнг оловни ўчириб. Ранги янада тиниқ ва чиройлик бўлиши учун унга икки дон тухумнинг пўчоғини солиб қайнатинг. Шўрва тайёр бўлганидан сўнг тухум пўчоғини олиб ташлаш керак.

Лимонлар

узоқ сақланиши учун уларни остига туз солинган катта шиша идишда сақлаш керак.

Балиқ шўрва

тайёрлаётган балиқ шўрвангиздан нохуш хид таралмасин десангиз, унга петрушка ёки селдеринг томирларидан, бирикки бош пиёз ва тузланган бодринг шарбатидан қўшиб қайнатинг. Шунда шўрвангиз хуштам бўлади.

Винегрет

салатини хуштам бўлиши учун унга дастурхонга тортишдан олдин бир ош қошиқ сут ва чой қошиқда шакар солиб аралаштириб юборинг.

Хантал (Горчица)нинг

мазаси янада яхшироқ бўлсин десангиз, унга озроқ асал ва бир-икки томчи лимон шарбатидан қўшиб юборинг.

Қуритилган кўзикоринни

озроқ туз солинган сутга солиб қўйсангиз бир неча соатдан сўнг янги узилгандек бўлади.

Карам шўрвага

томат пастаси ишлатмасдан янги узилган помидор ёки помидор шарбатидан қўшиб юборсангиз хуштам бўлади.



Торт

янги тайёрланган ва усти қаймоқ, крем билан тузатилган тортни кесганда пичоққа ёпишиб қолмаслиги учун, кесилгандан олдин 15-20 дақиқа мудатга музлаткичга қўйиб қўйинг. Шундан сўнг қайноқ сувга ботириб олинган пичоқда кессангиз ўзингиз истаганингиздек чиройли ва текис кесилади.

Куймоқ

алада, бисквит хаамири тайёрланганда аксинча олдин



идишга ун солинади ва суюқлик оз-оздан қўшилиб аралаштирилади.

Долчин

какао, шакар ёки бошқа маҳсулотлар кукунини солиб хамир тайёрламоқчи бўлсангиз, уларнинг кукунини унинг устига элаб сўнг хамир тайёрласангиз яхши аралашиб, хамир кўнгилдагидек чиқади.

Буйрак

лардан таом тайёрламоқчи бўлсангиз, аввал уларни 2-3

Кўй гўштини

бир соат давомида сутга солиб қўйиб, сўнг майдаланган саримсоқлиёз қўшиб таом тайёрланса жуда хуштам бўлади.

Ёнғоқни

иссиқ духовкада яхшилаб қуритиб, сўнг чақсангиз магзи пўстидан осон ажралади.

Хамиртуруш

солинган хамирингиз тез қўтарилсин, десангиз унга бир неча дон ичи тешик макаронни тикиб, ўраб қўйсангиз тез қўтарилади.

Тўқмоқланган гўшт



устини яхшилаб тўқмоқлаб, сўнг қовурмоқчи бўлган гўштингизни олдин совуқ сувда яхшилаб ювиб, сўнг ёғоч тахта устида тўқмоқлаб қовурсангиз сувлик ва мазалик бўлади.

Ўзингиз ва уй-



Рўзаорингиз учун

Сутлик суюқ овқат

тайёрлашда гуруч ёки макаронни олдин қайноқ сувга солиб озроқ қайнатиб сўнг устидан сут қўшиб юборсангиз, сутлик овқатингиз ёмон бўлмайди.

Сабзавотларга

озгина шакар солиб қайнатсангиз мазалик бўлади.

Асал

кўпгина хасталикларни даволашда яхши восита ҳисобланади. Айниқса бронхит хасталигини ва йўтални даволашда турп шарбатини асал билан аралаштириб истеъмол қилиш фойдалидир. Бунда бир ош қошиқ асалга 5 ош қошиқ турп шарбати қўшилади. Қунига 4-5 марта истеъмол қилинади.

Жигарни

қовуришдан олдин 2-3 соат давомида сутга солиб қўйиб сўнг қовурсангиз жуда хуштам бўлади. Шунингдек, уни узоқ пиширманг, ўзининг фойдали хусусиятини йўқотади. Тузни пишиш арафасида солиш кераклигини ҳам инобатга олинг, акс ҳолда таркибидagi сувни жуда тез йўқотади ва қотиб қолади.

Қизил лавлагини

алоҳида идишда пишириб, кубик шаклида майдалаб, ўсимлик мойи билан аралаштириб, сўнг бошқа маҳсулотларга қўйсангиз рангини ўзида сақлайди.

Ширин кўлча

рулет, пирожнийлар учун хамир қорганда аввал суюқ қисми тайёрланиб, унга оз-оздан ун қўшиб қорилади.

Шўрвага

тайёр бўлиш арафасида қуритилиб майдаланган кўкатлардан, петрушка томирларидан қўшиб яна 2-3 дақиқа давомида милтиллаб қайнатсангиз жуда хушбўй бўлади.

Қовурдоқ

янада лаззатли бўлиши учун тайёр бўлишига яқин қозони билан иссиқ духовкага 20-30 дақиқага қўйиб, кейин олсангиз айна муддао бўлади.

Парранда гўштини

яхшилаб тозалаб олганингиздан сўнг, иложи бўлса маккажўхори (маная крупа) унга булгаб духовкада пиширсангиз ва пишишдан олдин устидан қаймоқ суркаб пишиш-



Куюқ шўрва

тайёрлаш учун, оқ нонни эзиб, элакдан ўтказиб қўшиб юборсангиз кўнгилдагидек бўлади.



да давом эттирсангиз тайёр холга келганда қип-қизил ва маззали бўлади.

Сабзи

петрушка, сельдр томирлари ва пиёз қўшиб тайёрланган шўрва янада маззали бўлиши учун, бу маҳсулотларни товада хатто ёғсиз бўлса-да, бир томонини қизартириб олиб кейин шўрвага солиб юборасиз.

Хом тухумни

шўрвага солишдан олдин, озроқ хом шўрвани бирор идишга солиб совутган, унинг устига тухумни қақиб яхшилаб аралаштирасиз-да, сўнг қайнаб турган шўрвага қўшиб юборасиз.

Кисел

совугандан сўнг усти плёнка билан қопланиб қолмаслиги учун, тайёр бўлган олов устидан бир четга олиб қўйиб, озроқ шакар сепиб қўйиш керак.

дақиқа давомида қайноқ сувга солиб қўйинг, сўнг таом тайёрланг.

Гўштлиқ рулет

тайёрламоқчи бўлсангиз энг охириги мудатда қиймага бир донагина тухумнинг оқидан қўшиб юборинг, жуда нафис бўлади.

Тортнинг

устини шоколадли крем билан безатмоқчи бўлсангиз шоколадни қайнаб турган сувли идишга солиб эритинг. Сариеғни алоҳида олов устида эритинг. Сўнг суюқ шоколадга оз-оздан эритилган сариеғдан қўшиб аралаштиринг.

Балиқни

духовкада пиширганда оловни банд қўйиб, балиқ шўрвани эса милтиллаб қайнатиб пишириш керак.

Куймоқлар

тайёрлаётганингизда тезда со-

виб қолмаслиги учун уларни идишга солиб, шу идишни суви қайнаб турган каттароқ идиш ичида сақлаб туриш мумкин.

Бодринг

узоқ вақт бузилмасдан асраш учун унинг узилган жойини сувга ботириб қўйиш керак. Сувни эса ҳар куни янгилаш лозим.

Сут

бир литр қайнатилган сутга бир чой қошиқ шакар солиб қайнатсангиз узоқ вақт бузилмай сақланади.

Тузланган карам

шарбатини ҳар хил полиз экинларидан тайёрланган салатларга сирка ёки лимон шарбати ўрнида қўйиш мумкин.

Тиниқ шўрва

тайёрлаш учун унга озроқ қўлбола винодан қўйиш мумкин.

қайноқ сув сўнг совуқ сув солиб кейин қуритиб олсангиз тез тозаланайди.

Шоколадли

торт, пирожнийларни тайёрлашда 2-3 чимиди лимон кис-



лотасидан қўшиб юборсангиз янада лаззатли бўлади.

Сариеғга

гўшдан тайёрланган маҳсулотларни аралаштириб истеъмол қилганда янада маззали бўлиши учун унга озроқ хантал (горчица) ва помидорли шарбат ҳам қўшиб юборсангиз айна муддао бўлади.

(Давоми бора)

Саҳифани Лола АХМЕДОВА тайёрлади.

Мен 27 ёшдан, ҳаётим давомда шу вақтгача йигитларга қизиқмасдим. Лекин, ўтган йили бирга ўқиган курсдошим менга севги изҳор қилиб қолганда, тўғриси, энди турмуш тўғрисида ўйлаб кўришим кераклигини англадим. Унинг исми Шавкат эди. Биз Шавкат билан аввалига телефонда гаплашиб юрдик. У мени севишини, менга уйланиш нияти борлигини айтди. Табиийки, мен ҳам Шавкатга ўрганиб қолдим. Уни ёқтира бошладим. Орадан вақт ўтиб бир куни Шавкатга савол бердим. "Шавкат! Сиз менга ёқасиз. Лекин битта нарсани сиздан сўрамоқчиман!", - дедим. У мендан бир ёш кичик эди. Шунда Шавкат севги ёш танламаслигини айтди. Тўғриси, мен ҳам шунақа жавоб кутгандим. Биз гаплашиб юрвердик. Бир куни Шавкатга: "Энди синашиб бир-биримизни билдик. Меҳр қўйдик. Мени бошқа йигитга бериб юборишлари мумкин. Шунинг учун ота-онангизнинг розилигини олиб кўринг", - дедим. Шавкат: "Албатта, уйдагилар келиб нон синдиришадди. Фақат яқин қариндошларимизнинг маъракалари ўтсин!", - деб ваъда берди. Очиғи у сал кўполроқ бўлса ҳам менга ёқарди. Уни ҳеч хафа қилмаслиқа ҳаракат қилардим. Учрашувларни орзиги кутардим. Кунлар шу зайдда ўта бошладим. Мени бошқа йигитлар умуман қизиқтирмасди. Бир куни Шавкат менга жуда кўпол оҳангда кўнғироқ қилди. Айтишчи, мен бошқа йигитга унаштирилиб турмушга чиқаётган эмишман... Шунга аччиғи чиқиб, бошқа кизга унаштирилганлигини айтди. Мен аввалига ўзимни йўқотиб қўйдим. Шавкатга уни қўтиб, севиб яшаётганимни, ҳеч

кимга унаштирилганимни, бу гапларнинг ёлгонлигини айтдим. Шунда Шавкат: "Энди нима қилай? Мен бошқа кизга унаштирилдим!" - деди. Менга қийин бўлса-да, Шавкатга: "Энди у кизни хафа қилманг, тақдирга тан берай-

НАХОТКИ СЕВИЛИНГГА НОЛОЙИҚ БЎЛСАМ?

лик!" - деб бахт тиладим. Ўша кун тунни бедор ўтказдим. Кейинроқ билсам Шавкат унаштирилмаган экан. Ўзи келиб айтди. Менга бошқа тўхматлар ҳам ёғдира бошлади. Айтишчи, мен бошқа йигитлар билан учрашиб юрган эканман. Лекин менинг ҳаётимда бошқа йигитлар бўлмаган эди.

Шундан сўнг унга мени бошқа безовта қилмаслигини айтдим. Шундай десамда, у телефон қилиб ҳар хил баҳоналар билан кўнғироқ қиларди. Унга нисбатан кўнғилмида меҳр сўнганди. Бир куни у йўлимни пойлаб, мендан кечирим сўраб, менсиз яшолмаслигини, севишини айтиб бирон ҳафта бафуржа суҳбатлашиб олишимизни сўради. Мен унга: "Бир бор имкон берай, балки мен нотўғри фикрда бўлгандирман!", - деган ҳаёлда рози бўлдим.

Биз бирга боққа бориб гаплашиб ўтиргандик. Негадир Шавкат безовта, очиги кўзлари жойида эмас. Нимадандир хавотирлангандек сизга нима бўлди, - деб сўрагандим. Шавкат менга тегиша бошлади. Ундан мени тинч қўйишини илтимос қилиб уйга кетдим. Унга келиб йиғлаб юбордим. Лекин,

руҳан тушмай ишлашга, Шавкатни эса унуттишга қарор қилдим. Шавкат мен кутган бахт эмаслигини англадим.

Бир куни ишдан келсам номуълум йигит кўнғироқ қилиб менда гапи борлигини айтиб қолди.



Мен унга вақтим йўқлигини айтиб гўшақни қўйиб қўйдим. Лекин ўша номуълум йигит ҳар куни кўнғироқ қилиб менда муҳим гапи борлигини таъкидларди.

Ахир у билан телефонда гаплашдим, тўғрироғи гапини эшитдим. Исми Фуркат экан. Ўзи ҳақида сўрамаса-да қаерда ишлаши, қаердан эканлигини, телефон рақами, мени телефон номеримни қимдан олганлиги ҳақида гапириб берди. Шундай бўлса-да мени тинч қўйишини ундан сўрадим. Лекин у унама-

ди, ҳар куни кўнғироқ қилиб мени эшитишимни илтимос қиларди. Бир куни мени сал узоқроқ, яъни анчадан бери кўришмай кетган дугонамни танишини ва улар бир жойдан эканлигини айтди. Фуркат билан энди суҳбатлашар, тўғриси

унинг сўзларини эшитардим. Тўғрироғи йигитларга нисбатан ишончим йўқлиги учунми. Фуркатнинг сўзларини жиддий қабул қилмасдим. Бир куни ўша анчадан бери кўришмаган дугонам келди ёнимга, иш билан тўғриси ўзим Фуркат ҳақида ундан сўрадим, дугонам Фуркат ҳақида ижобий баҳо бериб: "У севса ҳақиқатдан севади. Сизга маслаҳатим унинг севгисини рад этманг. У сизни бахтли қилади. Бунга ишонаман", - деди. Шу дугонамнинг маслаҳати сабаб бўлдики унга ишона бошладим.

Ахир мен ҳам қимнидир севиб бир умр бирга бахтли ҳаёт кечиритиш хохлардим. Шунинг учун унга имкон бердим. Қанақа имкон дерсиз? Ёшимизнинг катталиги ва ишлашимиз сабабли биз ҳар куни кўриша олмадик. Сабаби иш билан бўлиб вақт акратолмасдим. Муносабатларимиз яхши эди. Баъзида эса аразлашиб ҳам қолардик. Лекин яна тезда топишиб кетардик.

Фуркат билан танишганимизга 9 ой бўлди. Лекин бир куни тўсатдан Фуркат менга галати савол берди: "Сиз мени чиндан севасизми ёки фақат турмушга чиқиш учун севасизми?" - деб қолди. Мен: "Фуркат! Сиз менга ёқдингиз. - Лекин менга уйланасиз, деб шарт қўймайман, уйланишни хохламасангиз уйланманг. Лекин мен сизни чин юракдан севиб қолдим. Шунинг учун сиз билан бир умр бирга бўлишни хохлардим", - де-

дим. Фақат бу саволи учун кечирим сўради. Унинг бу саволи мени ўйлантириб қўйди. Кейинчалик Фуркат ҳам менга бепарво бўлиб қолди, хоҳласа кўнғироқ қилиб ҳол-аҳвол сўраб турарди, бўлмаса йўқ. Негадир уни ҳеч йўқотгим келмасди. Бора-бора ўзим унга кўнғироқ қилиб у билан суҳбатлашиб турадиган бўлдим.

Мен уни тушунардим. Унга ўша тушун ҳолатидан чиқиб олиб, янги ҳаётга чиқишига қўмақлашардим. Биласизми, гоҳида унга руҳшунослик қилаётганимни дердим. Нима бўлса-да, майли, унга ёрдам бераман. Балки у ҳақиқатан мени севиб, меҳр қўяр, дердим. Лекин ўз қадримга ачина бошладим. Фуркат мендан 2 ёш кичик эди. Буни бошида айтсам-да, менга ёшни фарқи йўқ, асосийси бир-биримизга бўлган меҳр, - деб ўйлайман дерди. Кейинчалик эса уйдагиларим қарши, - деб айтди. Ҳақиқат аччиқ, лекин тан олишим керак, - деб муносабатимизга нуқта қўймоқчи бўлдим. Фуркат эса шошилмаслигини айтди. Мен жуда ўзимни ёмон ҳис қилар, ҳаётда ўз ўрним йўқлигидан хафа бўлардим. Қандай ички кечинмаларим бўлса-да, Фуркатга билдирмасдим.

Ҳозир жуда қийин ахволдаман. Фуркат мен билан бир умрга қолади ёки уни мен йўқотдимми билмайман. Нега шунақа бўлаяпти? Нахотки мен биронинг севгисига, уйланиб бирга турмуш қуришига нолойиқ инсон бўлсам?

Менга бирор маслаҳат беришингизни хохлардим. Ўз ҳолатимда мен нима қилишим, қандай яшашим керак?

Зулфизар
Сурхондарё вилояти

СИЗДАН ХАФА

ЭМАСМАН

Мактабда ўқиб юрган кезларимда бир йигит менга қизиқаётганини эшитиб қолдим. Кейинроқ у менга севиб қолганини айтди. Ўша йигит сиз эдингиз. 2002 йил апрел ойида мактабга амалиёт ўтагани келганингиз эсингиздами? Ўшандан бошлаб менда ҳам сизга нисбатан аллақандай туйғу бор эди. Мактабни тамомлаб педагогика коллежига ўқишга кирдим. Биласизми нима учун, касбимиз бир бўлиши учун албатта. Чунки бир умр орзу қилардим, бўлажак турмуш ўртоғим билар бирга ишлашни. Сиз билан май ойининг охириг қунида учрашганимизни ҳеч қачон унутмайман. Ўша куни аввалига мен сизни хафа қилдим. Сўнгра эса сиз менга бир сўз дедингиз. Хурматли "Э" балки сиз ўзингиз билмаган ҳолда айтиб қўйгандирсиз, балки бундай бўлишини хохламагандирсиз, мен сиздан мутлақо хафа бўлганим йўқ. Мен сизни тушунаман. Бу сўзларни сизга айтолмаслигини биласиз. Шунинг учун севишли газетам "Оила ва жамият" орқали етакчишга қарор қилдим. Мени тушунасиз деган умиддаман.

К.

Каттакўрғон тумани



Мактабни тугатиб катта иштиёқ билан ўқишга кирдим. Талабалик йилларимни жуда шўх, кувноқ ва ўзига хос қийинчиликлар билан ўтказга бошладим. Хали муҳаббат шаробини ичмагандим. Илк бор қалбимда севги 2-курсада, пахта йигим-теримига борганимизда пайдо бўлди. Севиб қолганим у қиз

такрорларди. Шу-шу ҳар куни кечки пайт учрашадиган бўлдик. Учрашувда ҳар гал уни севишимни, усиз дунё менга тор эканлигини уқтирдик. К. мени қанча бўлса ҳам қутишини айтди.

Пахта йигим-терими тугагач, биз у ерни тарк этдик. Шунда ҳам хафтада бир маротаба К. билан хат ёзиб

олмасдим. Ахир юлдузли тунларда менга: "Мен сизни севаман, қанча бўлса ҳам кутаман?", - деган ширин ваъдалари қаерда қолди? Қанча бўлса ҳам кутадиган одам, орадан лоқал 3 ой ўтар-ўтмас бошқани севиб қолиши мумкинми?

Ёки уйдагилари мажбурлаб беришдимикан? "Кўздан йироқ-дилдан йироқ", деганлари шуми? Яқинда К.нинг тўйи бўлиб ўтди. Бунга чидай олмайман, деб уйлагандим. Йўқ, инсон ҳамма нарсига чидай экан. К. шунчалик бемехрликка борган бўлса ҳам, мен унга чин юракдан бахт тилайман. Севгимни бошқа бир бегона йигитга қўш-қўллаб топширдим. Лекин ўзим-чи! Ўзим ҳали ҳам К.ни аввалгидек севаман. Бу севгимни юрагидан чиқармайман.

Соғинганда тунлари ҳар он, Юлдузларга узоқ қарайман. Мусаффордир менинг тилагим, Фақат сени-сени севаман.

Шамшод ШАМСИДДИН ўғли

МУСАФФОДИР ТИЛАГИМ

туришардик. Хатида мен уни ташлаб кетишимдан кўрқишини таъкидларди.

Ха, К. мени ташлаб кетишимдан кўрқар эди. Аммо бунинг тескариси бўлиб чиқди. Ха-ха, К. мени ташлаб кетди. Ёзган хатимга жавоб ёзма, совға-саломимни олмасдан қайтарар эди. Мен эса бунга тушунмасдан, кечалари ухламасдан ўйлаб чиқар эдим. Кейинчалик эшитсам севганим бир йигитга унаштириб қўйилган экан. Шу кундан бошлаб ўзимни ёлғиз ҳис этиб, нега К. бундай қилганига тушуна

туришардик. Хатида мен уни ташлаб кетишимдан кўрқишини таъкидларди.

биз келиб тушган қишлоқда истикомат қиларди. К. қишлоқ қизларидан ўзининг ширин сўзлиги, гўзаллиги билан ажралиб турар эди. Уни бир кўришдаёқ бутун вужудим билан севиб қолгандим. Унинг эса бундан хабари йўқ эди. Севишимни К.га қандай қилиб айтишни билмасдан, девоналарча пахтазорларда юрардим. Кунларнинг бирида К.нинг энг яқин дугонаси Хилолага уни севишимни айтди. Дугонаси К. ҳам мени пинҳона севиб юрганини айтганида ич-ичимдан қувониб кетдим.

Орадан кўп вақт ўтмай К. билан уйининг орқа тарафида учрашдик. Мени севишини, менсиз тура олмаслигини қайта-қайта

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Оила ва жамият

Фойдаланилмаган кўлбозмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди.

Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила - 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа компанияси босмахонасида чоп этилади. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти: 20.00
Босишга топширилди - 21.00

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ХОМИЙ: «Матбуот таркатувчи» Акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 440. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 19595
Саҳифаловчи — Ш. БАРОКОВ.
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ.
Навбатчи — Л. АХМЕДОВА.
Мусахҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ.